

HUQUQ

#51

(418)

YURIDIK GAZETA

Dekabr

D.	5	12	19	26
S.	6	13	20	27
Ch.	7	14	21	28
P.	1	8	15	22 29
J.	2	9	16	23 30
Sh.	3	10	17	24 31
Y.	4	11	18	25

2005

Gazeta 1997-yil 27-avgustdan chiqqa boshlagan.

WWW.HUQUQ.UZ. E-mail: Info@huquq.uz

QAROR VA IJRO

АМНИСТИЯ – АДАШГАНЛАР УЧУН ИМКОНИАТ

Жамиятимизда амалга оширилаётган ислохотлар негизда инсон тақдир, унинг келажаги ва манфаатлари бош масала саналади.

Сўнгги йилларда юз бераётган демократик ўзгаришлардан муҳими Ўзбекистон Президентининг ваколатларидан бири ҳисобланган амнистия тўғрисидаги ҳужжатларни қабул қилиш ваколатининг Конституцияга қиратишга ўзгартиришларга биноан Олий Мажлис сенатига берилиши бўлди. 2005 йил 2 декабрда Сенат илк бор «Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг ўн уч йиллиги муносабати билан амнистия тўғрисида» қарорни қабул қилди.

Сенатнинг мазкур қарорига мувофиқ жазо ўтаётган аёллар, 60 ёшдан ошган эркеклар, 1-2 гуруҳ ногиронларининг асосий қисми озодликка чиқиши кутилаяпти.

Ҳозир прокуратура органлари томонидан амнистия тўғрисидаги қарорнинг моҳияти юзасидан фуқароларнинг яшаш жойларида, меҳнат жамоаларида кенг қамровли тушунтириш ишлари олиб борилмоқда.

Сенатнинг мазкур қарори ижроси юзасидан Ички ишлар ва Соғлиқни сақлаш вазирликлари бошқа органлар билан биргаликда белгиланган тартибда ўталмай қолган жазодан озод қилиниши лозим бўлган ногиронлар, диспансер рўйхатидаги сил касаллигига чалинган шахсларнинг ҳисобга олинишини ва махсус даволаш муассасаларига жойлаштирилишини ташкил этишлари, ҳокимликлар, прокуратура, ички ишлар идораларининг раҳбарлари фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари ва жамоат бирлашмалари билан бирга озод этилаётган кишиларга нисбатан қўрилаётган тарбиявий чораларнинг узлуксизлигини таъминлаши зарурлигини айтиш жоиз.

Амнистия тўғрисидаги қарорда биринчи марта жиноят содир этган аёллар, жиноят содир этган вақтида вояга етмаганлар, қарор кучга киргунга қадар 60 ёшга тулган эркеклар, жиноят содир қилгунга қадар доимий яшаш жойи Ўзбекистондан ташқарида бўлган, озод этилганидан кейин Ўзбекистонда бўлиш учун қонуний асослари бўлмаган чет эл фуқаролари, эҳтиётсизлик тўғрисидаги қарор билан жиноят содир этганлар, шунингдек, биринчи марта ҳукм қилинган шахслар, башарти улар ижтимоий ҳаффи катта бўлмаган ёки унча оғир бўлмаган жиноят содир этган бўлсалар, жазодан озод қилиниши белгиланган бўлади.

Шуни алоҳида таъкидлаш кераки, юқорида таъкидлаб ўтилган тоифадаги шахслар ўта оғир жиноят содир этган бўлишса (ЖКнинг 273-моддаси 4- ва 5-қисмларида назарда тутилган қарорларни содир этганлар бундан мустасно) амнистия тўғрисидаги қарор уларга нисбатан қўлланилмайди.

Озодликдан маҳрум этиш жазосига ҳукм қилиниб, ўталмай қолган жазо муддати икки йилдан кўп бўлмаган, ҳукми амнистия тўғрисидаги қарор эълон қилинган кунга қадар қонуний кучга кирган маҳкумлар (жавобгарлиги оғирлаштирилган ҳолатларда қасддан одам ўлдирish жиноятини содир этганлар бундан мустасно) жазони ўташдан озод қилинадилар.

Қасддан содир этган жиноятни учун ўн йилдан ортиқ бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум қилинганларнинг ўталмаган жазо муддати учдан бир қисмга, қасддан содир этган жиноятни учун ўн йилдан ортиқ муддатга озодликдан маҳрум қилинганларнинг ўталмаган жазо муддати тўртдан бир қисмга қисқартирилади.

Амнистия тўғрисидаги қарор ўта хавфли рецидивистларга, жазони ўташ тартибини мунтазам равишда бузаётган шахсларга, таъкидланган ташкилотлар сафида тинчлик ва хавфсизликка қарши ёки жамоат хавфсизлигига қарши жиноят содир қилганлиги учун ҳукм қилинган шахсларга, шунингдек, илгари афв этиш ёки амнистия тартибда жазодан озод бўлган, яна қасддан жиноят содир этган шахсларга татбиқ этилмайди.

Қарорга кўра асосий жазодан озод этилган маҳкумлар қўшимча жазолардан озод қилинмайди.

Қарорни қўллашда қонунда белгиланган тартибда тугалланган ёки олиб ташланган судланганлик ҳисобга олинмайди. Аввал эҳтиётсизлик орқасида содир этган жиноятни учун, шунингдек, қасддан содир этган жиноятни учун озодликдан маҳрум этиш билан боғлиқ бўлмаган жазони ўтаб чиққан шахсларнинг судланганлиги ҳам ҳисобга олинмайди.

Илгари афв этиш ёки амнистия тартибда жазодан озод қилинганлар деганда Ўзбекистон Президентининг фармонлари асосида судланганлиги тугалланган ёки олиб ташланганлигидан қатъи назар суд томонидан белгиланган жазолардан, суд ҳукми чиқарилмай жиноий жавобгарликдан озод қилинганларни тушуниш керак.

Амнистия тўғрисидаги қарор жазони ижро этувчи органлар, суриштирув ва дастлабки тергов органлари, судлар ва интизомий қисм командирлари томонидан ижро этилади.

Шу қўнлардаги асосий вазифа, ушбу қарорга асосан жазони ўташ жойларидан озод этилиб, доимий яшаш жойига, oilаси бағрига қайтиб келганларни ижтимоий муҳитга мослаштириш, уларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишдир. Собiq маҳкумларнинг қайта жиноят содир этиш эҳтимолини бартараф қилиш борасида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи барча органларнинг иштини мувофиқлаштириб бориш, жамоат ташкилотлари, маҳалла фаолларининг кучидан фойдаланиш инсонпарварлик тамойилининг ижросига хизмат қилади.

Н.ХАЛИЛОВ,

Республика Бош прокуратураси бошқарма бошлигининг ўринбосари



Баркамол авлод орзуси



Тўртқўл туманидаги 32-ўрта мактабда ўқувчиларга пухта билим бериш, уларнинг ўқишга бўлган қизиқишини янада орттиришга катта эътибор қаратилган.

Барча қўлайликларга эга бўлган мазкур ўқув даргоҳи биноси шу йил сентябрь ойида ўқувчиларга тўхфа қилинган эди. Албатта, янги, замонавий, барча шароити мавжуд мазкур мактабда таълим олишнинг ўзгача завқи, ўзгача гашти бор.

Айни чоғда бу ерда 547 нафар ўқувчига малакали, фидойи муаллимлар таълим беришмоқда.

СУРАТЛАРДА: Тўртқўл туманидаги 32-мактаб; 1-информатика ўқитувчиси Мурод Отахонов машғулот ўтаётган пайт. Бердиниёз АЛЛАШЕВ олган суратлар

Чоршанбадан Чоршанбагача

14 декабр

Ўзбекистон Республикаси Олий суди жиноят ишлари бўйича судлов хайъати томонидан Андижон вилояти ички ишлар бошқармаси собiq раҳбарлари, патруль-пост хизмати ва жамоат тартибини сақлаш бошқармаси раҳбарлари ва масъул ходимлари, шунингдек, Тошкент шаҳридаги УЯ-64/18 муассасаси ходимлари — жами 12 шахсга оид жиноят ишини суд мажлисида қўриш бошланди.

15 декабр

Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар агентлиги Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги этиб қайта ташкил қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартишлар киритиш тўғрисида»ги Қонуни матбуотда эълон қилинди.

16 декабр

Ўзбекистон Республикасининг «Қурилиш соҳасидаги ҳуқуқбузарликлар учун юридик шахсларнинг жавобгарлиги тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 8-моддасига ўзгартишлар киритиш ҳақида»ги Қонуни матбуотда чоп этилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентини «Ҳомийлар ва шифокорлар йили» Дастурини ишлаб чиқиш ва амалга оширишнинг ташкилий чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармойишга имзо чекди.

Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди.

17 декабр

«Электрон тўловлар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни матбуотда эълон қилинди.



2006 YIL – HOMIYLAR VA SHIFOKORLAR YILI

ЭЛ СОҒЛИҒИ – КАТТА ДАВЛАТ

Инсон самарали меҳнат қилиши, меҳнатининг роҳатини кўриши учун соғлом, бақувват ва зукко бўлиши керак. Шу нуқтаи назардан юртбошимиз томонидан яқинлашаётган янги йилимизнинг «Ҳомийлар ва шифокорлар йили» дея эълон қилиниши бежиз эмас.

Юртимизда «Қўли очкинчи йўли очик»қа ўхшаш кишини хайр-у саховатга ундовчи қўллаб мақоллар борки, булар оққўнли халқимизнинг нодир фазилатларини ифода этади.

Кейинги пайтларда тadbиркорликка кенг йўл очиб берилаётганлиги боис кичик ва ўрта бизнес, фермерлик ривожланиб бораёттир. Шундай деймиз-у, аммо баъзи мутасадди раҳбарлар орасида ханузгача юрт раънақи йўлида қабул қилинаётган қўша-қўша ҳужжатларнинг моҳиятини тушунаётган ёхуд тушунишни истамётганлар ҳам бор.

Хатирини туман прокуратураси томонидан Ўзбекистон Президентининг 2005 йил 14 июндаги «Тadbиркорлик субъектларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғриси-

да»ги фармони ижроси юзасидан ўтказилган текширишларда мана шундай қўнубузилиш ҳолатлари аниқланди. Масалан, «Хатирча пахта тозалаш» ОТАЖни олайлик. Корхона кўпгина фермерлар ва уларга хизмат кўрсатувчи «Зарафшон» хусусий корхонаси билан уч томонлама шартномамалар тузган. Уларга кўра завод, яъни етказиб беришчи ҳўжаликлар ихтиёридаги пахтадан олинган чигитни белгиланган муддатда «Зарафшон» фирмасига етказиб бериши, қайта ишловчи корхона эса ҳўжаликларга пахта ёғи, кунжара ва шелуха етказиб бериши лозим эди. Шартнома шартлари бажарилмагани боис «Богинур Умид», «Дўстлик», «Маҳмуд богбон бобо», «Носир бобо Эргашев» каби фермер ҳўжаликларининг ишида, таъминотида узилишлар юзгага келган. Туман прокуратураси томонидан бундай қўнубузилишларни бартараф этиш чоралари қўрилмоқда.

Зафар ЭРҒАШЕВ,
Хатирча туман прокуратурининг
катта ёрдамчиси

СВОЖЖК ДЕПАРТАМЕНТИ ХАБАР ҚИЛАДИ

Акциядорлик тижорат саноат куриллш банкнинг Тошкент шаҳридаги Охунбоев филиалида фуқаро Х.Арзиева номига 997.750 АҚШ доллари алмаштирилганлиги тўғрисидаги 98 та маълумот расмийлаштирилган. Текширишда банк мансабдорлари 2005 йил 23 июндан 5 августга қадар Х.Арзиева номига 600.280 АҚШ доллари берилганлиги тўғрисидаги 67 та маълумотномани қалбақлаштириб, пуллари номасъул шахсларга сотиб юборганликлари аниқланган.

Ўрган шаҳридаги «Промспектор» МЧЖ раҳбари Б. Мангилев «Пахлавон Махмуд» кичик корхонаси раҳбари П. Жуманов билан келишиб, «Ўзсаноатқурилишбанк»нинг Хоразм худудий филиалидан олган 77 млн. 184 минг 600 сўмлик кредит маблағларини талон-тарож қилишган.

Бундан ташқари, филиалнинг собиқ бошқарувчиси Қ.Болтаев ва кредит бўлими бошлиғи Д.Раззоқовлар тил бириктиришиб, сохта ҳужжатлар асосида Б.Мангилевга 70 млн. сўм кредит берганликлари аниқланди.

Наманган вилоятидаги «Шеробод» ИПХ масканида ўтказилган тадбирда Б.Ўззохонов бошқарувдаги автомашина тўхтатиб текширилганда, тадбиркор А.Мўйидновга тегишли, чет элда ишлаб чиқарилган ва ҳеч қандай ҳужжатлари бўлмаган 3 млн. 965 минг 500 сўмлик қандолат маҳсулотлари борлиги аниқланиб, далилий ашё сифатида олиб қўйилган.

Фарғона шаҳридаги «Диёр плюс Сайқал» кичик корхонаси раҳбари Б.Тошқўжаев 2005 йил давомида 4 млрд. 4 млн. 889 минг 400 сўмлик товар айланмасини амалга ошириб, ДСМга ҳисобот топширмай, 1 млн. 612 минг 500 сўмлик солиқларини тўламаган. Шунингдек, Б.Тошқўжаев пул ўтказиш йўли билан олган 1 млн. 83 минг сўмлик маҳсулотларини қайта сотиб, пуллари НКМдан ўтказмаган.

«Гулистон пахта тозалаш заводи» мансабдорлари ва заводнинг «Қизилбоғда» қабул пункти ишчиси Т.Мавлонов «Қуйбоғдан тонги» фермер ҳўжалиғи раиси О.Дулаев билан Мутал исмли шахслар билан тил бириктириб, ҳўжатларини сохталаштириш йўли билан уларга 614,8 минг сўмлик 14150 кг. чигитни ҳеч қандай тўловларсиз бериб юборган.

Фуқаро А.Акрамов моддий рағбатлантириш эвазига фуқаро Ф.Товмуратовнинг паспортдан фойдаланиб, «Ўзсаноатқурилишбанк»нинг Охунбоев филиали валютасиз айрибашлаш шахобчасидан 280.800 АҚШ долларини Хусниддин ва Нуриддин исмли шахсларга олиб берганлиги аниқланди.

Хазорасп туманида «КамАЗ» автомашинасининг юкхонасида фуқаро И.Шодиев чет элда ишлаб чиқарилган ва ҳеч қандай ҳўжатлари бўлмаган 9 млн. 600 минг сўмлик 6000 дона «дрожжи» маҳсулотларини сотиш мақсадида олиб кетаётганлиги аниқланган.

Шунингдек, ўшбу автомашинани юкхонасида фуқаро Д.Исмоиловга тегишли, чет элда ишлаб чиқарилган ва ҳеч қандай ҳўжатлари бўлмаган 8 млн. 328 минг сўмлик ҳўжалик моллари сотиш мақсадида олиб кетаётганлиги аниқланган. Ўшбу маҳсулотлар далилий ашё сифатида олинган.

Юқоридаги барча ҳўжатлар юзасидан Ж.Нигиш тегишли моддаларни бўйича жиноят иши қўзғатилган.

ПРОКУРАТУРА НАЗОРАТИ

2005 йилнинг дастлабки 9 ойи давомида Сирдарё вилоятида мансабдор шахслар томонидан содир этилган қонунбузилишлар ҳақида маълумот:

1043 нафар мансабдор шахс расман оғохлантирилган. Уларга нисбатан 113 та жиноят иши қўзғатилган.

Ўтказилган 17.425.000 сўм зарар ундирилиб, судларга 2 млрд. 52 млн. сўмлик даъво аризалари киритилган.

Мансабдор шахсларнинг 865 нафари маъмурий, 216 нафари моддий, 832 нафари интизомий жавобгарликка тортилган.

Яқинда Сирдарё туманидаги «Камаристон» кишлоқ врачлик пункти менежери С.Асилбеков томонидан 10 миллион сўмдан ортқ иш ҳақи, декрет ва нафақа пуллари ўзлаштирилганлиги ҳолати юзасидан суд ўз ҳукмини чиқарди. Ўшбу шахс бюджет маблағларини талон-тарож қилиш мақсадида устамонлик билан ҳўжатларини қалбақлаштирилганлиги катта шов-шувга сабаб бўлган.

Шунингдек, «Пахтабанк»нинг Сайхунбод туман бўлими ва туман суд қарорларини ижро этиш бўлими раҳбарлари томонидан «Саховат» фирмаси ҳисоб рақамига туширилиши лозим бўлган катта миқдордаги маблағ ноқонуний равишда Тошкентдаги «Ўзбе-

гим зийнати» фирмаси ҳисоб рақамига ўтказиб юборилган. Қизғин шундаки, суд ижросини ва банк оператори «Саховат» фирмаси раҳбарининг розилигини олиш уёқда турсин, уни хабардор қилишни ҳам лозим топмаганлар.

— Ўз пулига ўзи эгаллик қила олмаган фирма манфаатлари

Мансабдор шахс масъулиятини

ҳимоя қилинди, — дейди Сирдарё вилояти прокуратураси фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини, жамият ва давлат манфаатларини ҳимоя қилиш бўлими прокурори Тоҳир Азаматов.

— Ҳуқуқий маданиятни юксалтириш ҳақида кўп гапирамиз. Жамият учун онгликнинг бу кўриниши катта аҳамиятга эга эканлигига шубҳа йўқми, бас уни кўтариш учун барча кучлар ишга солиниши шарт. Афсуски, кўпгина соҳаларда бу ишга соғуқонлик билан қарашлар ҳали ҳам маъжуд. Қонунбузилишларнинг урчимиға энг биринчи навбатда мана шу омил сабаб эканлигини билан туриб ҳам унга эътибор қаратилмай-

ди. Бу ишда мансабдорлар, мутаасаддиларнинг ўзи тескарисига «йўлбошловчи» бўлганини кўрганимизда икки қарра афсусланамиз. Бу эса уларнинг ўзини ҳам ҳуқуқий онгини кўтариш, кадрларни жой-жойига муносиб равишда қўйиш заруратини келтириб чиқараётди. Бу йўлда тарғибот ягона ишончли, сигналган

ҳақларини ўзлаштириб юборган. Мирзаобод иқтисод коллежи директори Ў.Буронов бош ҳисобчи ва кассир билан тил бириктириб, колледжда умуман ишламайдиган фуқаролар номига иш ҳақи ёзишган. Натижада 2.522.000. сўм маблағ ўзлаштирилган.

Янгиер шаҳар «Халқ банки» бош ҳисобчиси М.Бойқулова 2004 йил 1 августдан жорий йилнинг 1 мартигача омонат қолдиқларини ноқонуний қичим қилганлиги сабабли 16.199.802 сўмлик камомадга йўл

усл. Шифокорлар тили билан айтганда, касални даволашдан кўра унинг олдини олиш кўпроқ самара беради.

Гулистон шаҳридаги «Сайқал» маҳалласи мансабдорлари кам таъминланган оилаларга ажратилиши лозим бўлган 715.000. сўмлик маблағни қалбақи ҳўжатлар асосида ўзлаштиришган. Маҳалланинг бошида турган, улар орасида адолат, ҳалолликка масъул бўлган шахсларнинг бу қилмишидан бошқалар қандай ҳулоса чиқарди экан?

Сирдарё вилояти Ер ресурслари ва Давлат кадастри бошқармаси бош ҳисобчиси Ж.Қўзибоев ҳам мана шундай янглиш фикрга борган шекилли, 2.773.900 сўм иш

қўйган. Агросаноат савдо корхонасининг бир гуруҳ мансабдорлари 4.780.000 сўмлик 30 тонна ун маҳсулотларидан тушган маблағни ўзлаштириб юборишган.

Бошқалар ҳисобидан яшашни кўзлаган бундай шахсларга қарши курашда нафақат ҳуқуқ-тартибот органлари, балки барчамиз масъул эканлигимизни эътиборга олиб, туман, шаҳар прокуратураларида, «Сирдарё ҳақиқати» ва «Адолат кўзуси» газеталарида ишонч телефонлари ташкил этилган. Бу ўз самарасини беришича ишонаман.

«Нигиш» мухбири
Абдурахмон МУСТАФОҚУЛОВ
ёзиб олди

NAFS BALOSI

Майорнинг кўнгил майли

Зоҳиджон Обидовни вақтинчалик ҳарбий қисм мото-ўқчилар батальони командири вазифасига тайинлашганда бироз қўнганди. Ҳали ёш бўлса, эллай оларикан?! Кейин қараса, унчалик қўйин иш эмас экан. Ҳаммаси бинойидек. Кўл остидагилар айтганини қилишди, чизган чизгидан чиқмади. Майор бундан баттар ҳаволана бошлади, зугумини янада кучайтирди. Қўнларнинг бирида қисм хизматчиларига муқофот пули таркатилди.

3.Обидов азовд кичик сержантлари А.Бозоров, У.Қурдов ва О.Абдусаломовларни олди-га чақирди.

— Муқофот пули олдингиларми? — салмоқ билан деди майор.

— Ҳудди шундай, ўртоқ командир! — тасдиқлашди солдатлар.

— Муқофотга арзийсизларми ўзи?

— ...

— Битганг ҳам муқофотга арзийсан! Қани ҳар биринг икки мингдан чўш!

Сержантлар анқайиб қилишди. «Ҳазиллашмайтми?» дегандек бир-бирларига қараб олишди.

— Кимга айтганим! — ҳайқирди командир.

Сержантлар шоша-пиша чўнтақларидан пул чиқариб, унинг олдида ташлашди...

Бир кўни эса ҳеч нарсадан ҳеч нарсаси йўқ кичик сержант Ф.Алиевнинг 13-ойлигини қирқиб ҳақда бўйруқ чиқарди ва буни ҳаммани сафга тизиб, ўқиб берди.

— Нима сабабдан? — деди унинг муддаосини тушунган сержантнинг

қони қайнаб.

— Сабаби билан ишинг бўлмасин!

— Ўшқирди командир.

Аммо сержант тап тортмай командир билан гап талаша бошлади. Командир кутуриб кетди. Шунча юшнинг олдида юзига оёқ қўйган «маҳмадона» сержантнинг юзига шапақ тортиб, оёғига зарб билан теғди. Сержантнинг оёғи шикастланди. Унга биринчи ёрдан кўрсатилди. Ўзини хон билан командир устидан эса тегишли жойга арз қилишди.

Суд томонидан 3.Обидовга икки йил хизмат бўйича чеклаш жазоси тайинланди, ойлигининг 20 фоизи давлат ҳисобига ўшлаб қилиниши белгиланди.

Абдуғаффор АБДУЛЛАЕВ,
Самарқанд ҳарбий прокурорининг ўринбосари

VOYAGA YETMAGANLAR HIMOYASI

Миробод туман прокуратураси томонидан Республика Бош прокурорининг 2004 йил 22 июндаги «Вояга етмаганлар ҳақидаги қонунлар ижроси устидан прокурорлик назорати фаолиятини янада тақомиллаштириш тўғрисида»ги буйруғи талаблари ижроси юзасидан амалга оширилган ишлар ўз самарасини бермоқда. 2005 йил декабрдаги туман аҳолиси 122.800 кишини ташкил этган. Шундан 36.800 нафари вояга етмаганлардир. Вояга етмаганларнинг ижтимоий ҳимояси, уларнинг таълим тарбияси, соғлиғи муҳофазаси борасида муайян ишлар амалга оширилмоқда.

Болаларга эътибор

Амалга оширилган ишлар натижасида туманда вояга етмаганлар ўртасида жиноятчилик охириги 5 йилда 104 тадан 64 тага, жиноят содир қилган вояга етмаганлар сони 88 тадан 54 нафарга қайишганга эришилди. Асосий эътибор туманда ашайтган ақли заиф ва жисмоний ривожланишда нуқсонли бўлган ҳамда ижтимоий ва ҳуқуқий жиҳатдан хатарли гуруҳларга қирадиган болаларнинг ижтимоий ҳимояси ва бандлигини таъминлаш, таълим-тарбия бериш, соғлиғини муҳофаза қилиш, бу борада мутасадди давлат ва жамоат ташкилотларининг фаолиятини яхшилашга қаратилди.

Бундан ташқари, туман ИИБ, туман ҳокимлигининг вояга етмаганлар комиссияси «Камолот» ЁИХ туман бўлими билан ҳамкорликда 57-сонли ақлий ривожланишдан орқада қолган ёрданчи мактабда таълим олаётган 236 нафар ақли заиф ўсмирлар ва Юнусобод туманидаги 21-«Меҳрибонлик уйи» тарбияланувчилари ҳузурида бўлишиб, совға-саломлар улашилди. Ўқувчиларни қўллаб-қувватлайдиган, уларнинг руҳини кўтаришга қаратилган тадбирлар ўтказилди.

Абсамат АГЗАМОВ,
Миробод тумани прокурори катта ёрданчиси

LIQOYAT VA JAZO

Шу йилнинг бошларида Тошкент темир йўл вокзали яқинидаги Чўқурсой темир йўл бекатида ҳар хил юк ортилган поезд кириб келди. Унинг учта платформасида Россиянинг Волгаград филиали «Импекоксиз» корхонасидан «Таъминотчи-хизматчи» ОТАЖ корхонасига жўнатишган занжирли тракторлар бор эди.

Ҳар қандай киши бу техникаларни қўриб қўвонини, деҳқонларимиз ишини енгиллатадиган тракторлар олиб келинганидан фохланиши аниқ. Афсуски, ҳамма ҳам ҳавас билан қарайвермас экан. Хориждан неча минг доллар келтирилган техникалардан нимадир олиб қолшга интиладиганлар ҳам топилар экан. Бахтиёр Султонов шундайлардан бири эди.

Платформаларда турган занжирли тракторлар Бахтиёрнинг кўзини ўйнатиб юборди. Шу пайт вагонларнинг техник ҳолатини текширувчи Зокир келиб қолди. Бахтиёр ундан

сўради:

— Тракторлар Россиядан келдимми?

— Ҳа, бугун эрталаб келди. — деди Зокир. — Ичиди аккумуляторлари, зағастлари ҳам бор экан.

— Уларни олиб қўйса ҳам бўларкан-да унда. Россиядан бугун келган

бўлса, аккумулятори билан зағастчи борлигини ким билиб ўтирибди?

Бахтиёрнинг гапига мўйдек қўйиб, ўзича қалованди.

— Тўғриқуя, лекин уни бу ердан олиб кетиш...

— Менинг машинамда олиб кетамиз. Юқлаб беришларинг бўлди.

...Хуллас, икковининг гапи қовушди. Ўғрилиқни амалга ошириш вақти, бу ишга яна кимларни жалб қилиш кераклигирежалаштирилди.

Тунги соат ўн бирларга яқин вагонларнинг техник ҳолатини текширувчи Баҳром Қўзибоев ва Бахтиёр Абдуллаевлар келишди. Улар вагонлардаги юкларни қўриқлаши лозим эди. Белгиланган жойда Бахтиёр, Зокир, Баҳром ва яна уч киши ўчрашди. Режага кўра Бахтиёр трак-

кейинқайтиб, шерикларига ишни давом эттириверишлари мумкинлигини айтиди. Тезлик билан машинага ортилган зағастларни Бахтиёр уйига олиб кетди. Эртаси кўни эса шериклар улушларини бўлиб олишди. Улар ўғрилган нарсаларини ҳеч ким сурштирмайди дег ўйлашганди. Лекин ундай бўлмади. Ўғриллар бирин-кетин аниқланиб, қамқоқа олинди. 5 млн. сўмга яқин эҳтиёт қисмлар корхонага қайтарилди.

Илгари ҳам судланиб, амнистия туғайли жазодан қутулиб қолган Бахтиёр балки энди ўзига ҳулоса чиқариб олар. Унинг шериклари ҳам жазо устига жазо олишадиган бўлишди. Негаки, улар айна пайтда суд ҳукмига кўра ахлоқ тўзатиш ишлари жазосини ўтаётган эдилар.

А.АБДУЛЛАЕВ,
Собиқ Раҳимов туман прокурори ёрданчиси

Ер эгаси эртага қим бўлади?

...Биз зарар қўриб ишлаётган ва паст рентабелли ширкатларни фермер ҳўжаликларига айлантириш борасида яқинда қабул қилинган. 2005-2007 йилларда 1100 та, жумладан, бу йил 406 та ширкат ҳўжалигини қайта ташкил этиш вазифаси белгиланган янги дастур ижросини қатъий назоратга олишимиз даркор. Бу масалада ер ажратиш ва фермерларни танлаш ишлари ошқора, адолатли тарзда ва қатъий танлов, тендер асосида ўтказилиши жуда муҳимдир. Бунда маҳаллийчилик, уруғ-аймқчилик ва поравҳўрлик ҳолларига кескин барҳам бериш лозим.

Президент Ислоҳ Каримовнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузасидан



Вазирлар Маҳкамасининг «2005-2007 йилларда фермер ҳўжаликларини жадал ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори юзасидан республикамиз қишлоқ ҳўжалиги соҳасида туб ўзгаришлар амалга оширилмоқда. Мазкур қарорга асосан 2006 йилда республикамиздаги тўрт юздан ортиқ кам рентабелли, йилни зарар билан яқунлаётган ширкат ҳўжаликлари тугатилиб, уларнинг ўрнида фермер ҳўжаликлари ташкил этиш белгиланган. Ҳўш, бу борада Наманган вилоятида қандай ишлар амалга оширилмоқда?

— Республика Президентининг «2006 йилда қишлоқ ҳўжалик кооперативлари (ширкатлари)ни фермер ҳўжаликларига айлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига асосан келгуси йилда вилоят бўйича 44 та ширкат ҳўжалиги тугатилиб, фермер ҳўжаликларига айлантирилиши лозим,— дейди вилоят прокуратурасининг қишлоқ ҳўжалиги соҳасида қонунийликни таъминлаш ва ҳўжалик юритувчи субъектларнинг ҳўқуқларини ҳимоя қилиш бўлими бошлиғи Икромжон Солиев. — Ҳозир ушбу қарор ижроси юзасидан иш олиб боришмоқда.

Ушбу қарор ва ҳўқуқамизнинг юқорида қайд этилган қарори ижроси юзасидан назорат тартибидан бир қатор текширишлар ўтказилди. Уларнинг натижасига кўра, айрим мансабдорлар ер ажратишда таниш-билишчилик, ошна-оғайнигарчилик ҳўлатларига йўл қўйиб, тендер талабларига зид равишда иш тугаётганликлари аниқланди.

Масалан, Поп туманидаги «Сирдарё» ширкат ҳўжалиги раиси А.Ботиров ширкат ҳўжалигининг аслида бўлиб ўтмаган вакиллар йиғилишини «бўлиб ўтди», дея сохта қарор тайёрлаган. Буқалбаки қарор ва танлов асосида комиссия ҳўласи тузилиб, туман ҳўқимлигига тақдим этилган ва тугатилаётган ҳўжалик ерларидан 577,2 гектари 23 нафар фуқарога ноқонуний равишда ажратиб берилган.

Ерга эга бўлган фуқароларнинг деярли барчаси А.Ботировнинг яқинлари, таниш-билишлари бўлган. Жумладан, ўзининг турмуш ўртоғи И.Ботировага 11 гектар, опасининг ўғли Я.Обидовга 28 гектар, қариндоши У.Турсуновга 100,7 гектар, АТ «Халқ банки» Наманган вилоят бошқарувчиси Б.Жўраевга 21,8 гектар, «Полдонмасқулот» ХЖ раиси У.Жаҳоналиевга 39,5 гектар ва ҳўказо...

Тендер шартларини бузиш, уларни ноҳилис ўтказиш каби қўнубузилишлар бошқа туманларда ҳам содир этилмоқда. Хусусан, Косонсой туманида жорий йилда тугатилган «Испарон» ширкат ҳўжалигида ўтказилган текширишларда тендер ноҳилис ўтказилгани маълум бўлди. Фермерликка даъвогар Р.Дўстматовнинг ёши, мутахассислиги, иш стажы, оиладаги ишчилар сони, техника ва транспорт воситалари ҳақида тегишли

да тендер иштирокчиларига ноҳилис баллар қўйилган.

Қўнубузилишларга аксарият ҳўларда ширкат ҳўжаликларининг фермер ҳўжаликларига айлантириш бўйича тузилган комиссия раиси ва котиблари сабабчи бўлмоқдалар. Холбуки, «қайта ташкил этилаётган қишлоқ ҳўжалиги корхонаси негизда фермер ҳўжалиги ташкил этишда танлов ғўлибларини аниқлаш тўғрисида»ги Низомда комиссия раис ва котиблари танловда талаб-

қўйилган. Тумандаги собиқ «Чуст» ширкат ҳўжалигининг тугатиш комиссия аъзолари Ю.Тожибоевага 114,5 гектар, М.Сирохидиновга 17,2 гектар, И.Раҳматуллаевга 10 гектар ер туман ҳўқимининг қарори билан фермер ҳўжалиги ташкил қилиш учун ажратилган.

Туман ҳўқимларининг мазкур қарорлари туман прокурорларининг протести билан бекор қилинди.

Ширкат ҳўжаликлари тугатилиб фермер ҳўжаликларига айлантириш

қарори талаблари асосида ушбу асосий воситалар қайта баҳолангани ва бу борадаги белгиланган тадбирлар тўла амалга оширилмагани оқибатида ҳўжалик ва давлатга 17580,9 минг сўм зарар етказилган. Сотилган мол-мулклар ҳисобидаги ҳўжаликнинг банкдаги ҳисоб рақамига бор-йўғи 3,1 миллион сўм пул тушган, ҳўлос. Сотилган мулклардан тушиши лозим бўлган маблағларни вақтида ундириш чоралари қўрилмагани натижасида ҳўжалик аъзоларининг 103,7 миллион сўмлик иш ҳақлари ханузгача тўланмаган.

Мазкур ҳўлат юзасидан Мингбулоқ туман прокурори томонидан «Гулбоғ» ширкат ҳўжалиги раиси Т.Қўлдошев, бош ҳўсilot Ш.Маҳкамов ва ер тузувчи муҳандис Б.Мақсудовга нисбатан жиноят иши қўзғатилди.

Ўтказилган текширишлар натижасига кўра, қишлоқ ҳўжалик корхонасини фермер ҳўжаликларига айлантириш бўйича комиссиясининг 12 та, туман ҳўқимларининг 27 та ноқонуний қарорларини бекор қилиш ва уларни қўнунга мувофиқлаштириш юзасидан протестлар киритилди. Аниқланган қўнубузилишни бартараф этиш юзасидан туман ҳўқимлари ва комиссия раисларининг номига 24 та тақдимнома киритилиб, 29 нафар мансабдор шахс расман огоҳлантирилди. 6 нафар шахсга нисбатан маъмурий, 25 нафарига нисбатан интизомий жавобгарликка оид иш қўзғатилди. 16 та қўнубузилиш ҳўлати юзасидан жиноят ишлари қўзғатилди.

«Ниқуқ» муҳбири Абдуҳўшим МАДАТОВ ёзиб олди

ТЕНДЕР Ҳўлис утаяптими?

ҳўжатлари батафсил ўрганилмаган. Шунингдек, банк муассасасининг тасдиқловчи ҳеч қандай ҳўжжати бўлмаса-да, тугатиш комиссияси «шахсий ҳисоб рақамидан бир миллион сўм маблағи бор» дея унинг фойдасига 5 балл ҳисоблаган. Натижада Р.Дўстматов танлов ғўлиби, деб топилган.

Шунингдек, 16-сонли шартли ҳўдуд бўйича ариза берган беш нафар фуқаролар орасидан К.Қурбонов комиссия ҳўласасига асосан 93 балл тўплаб танлов ғўлиби, деб топилган ва 99,4 гектар ер унинг тасарруфига берилган. Аслида эса у бор-йўғи 8 балл тўплаган, ҳўлос. Ҳўжаликни тугатиш комиссияси негизда Р.Қурбоновнинг имкониётларини ошқириб қўрсатиб, ғўлиб деб топган.

Мазкур ҳўжаликнинг тугатиш комиссияси раиси Б.Саидметов ва комиссия котиби Т.Насимовлар ҳўжжатларини қалбақлаштириш йўли билан ширкат ҳўжалигининг 574 гектар ерини 6 нафар фуқарога ноқонуний равишда берилишига йўл қўйишган.

Қайд этилган ҳар икки туманда содир этилган қўнубузилишлар юзасидан туман прокурорлари томонидан жиноят ишлари қўзғатилиб, тергов ҳаракатлари олиб боришмоқда.

Текширишлар шунинг кўрсатмоқдаки, 2005 йилда ширкат ҳўжаликлари тугатилиб, фермер ҳўжаликлари ташкил қилишда айрим жойларда бўлажак фермерларни танлаш ошқора, адолатли тарзда ва қатъий танлов асосида ўтказилмаган ҳамда уларга ер ажратиш жараёнида қўнубузилишларга йўл қўйилган. Йил давомида зарар билан ишлаган ширкат ҳўжаликлари негизда фермер ҳўжаликлари ташкил этиш жараёнида вилоят бўйича жами 36 ҳўлатда ноқонуний танлов ўтказилган ва бунинг натижасида 1059,6 гектар ер ноқонуний ажратиб берилган. Шунингдек, 23 ҳўлат-

гор сифатида иштирок этиши мумкин эмаслиги алоҳида кўрсатиб ўтилган. Шунга қарамай, комиссия раиси ва котиблари бевосита танловларда иштирок этиб, бошқа фуқароларнинг ҳўқуқлари бузилишига сабаб бўлмоқда.

Масалан, Учқўрғон туманида тугатилаётган «Учқўрғон» ва «Чорвадор» ширкат ҳўжаликларини фермер ҳўжаликларига айлантириш бўйича комиссия котиблари О.Тошбоевага 10,6 гектар ва А.Эргашевга 5 гектар ер фермер ҳўжалиги ташкил этиш учун ажратиб берилган. Бундай ўзбошимчиликка Чуст туманида ҳам йўл

жараёнида ерлар танлов асосида фидойи, чинакам деҳқонларга берилиши лозим. Бироқ тугатилаётган ширкат ҳўжаликларига тегишли бўлган мол-мулк ва бошқа моддий бойликларнинг талон-тарож қилинаётгани ғўят ачинарлидир. 2006 йилда тугатилиши белгиланган Мингбулоқ туманидаги «Гулбоғ» ширкат ҳўжалигида ҳўдди шундай ҳўлат рўй берган. Бу ерда жорий йилнинг июль-октябр ойларида 113 турдаги мол-мулк 110323,8 минг сўмга сотиб қўборилган. Вазирлар Маҳкамасининг «Асосий воситаларни қайта баҳолаш тўғрисида»ги

Ер ҳақиқий эгасига берилгандагина ундан юқори ҳўсilot олиш, қўтилган натижага эришиш мумкин. Бироқ ислохотлар моҳиятини тўлиқ тушуниб етмаётган айрим раҳбарлар фермерларга яқиндан ёрдам бериш, уларнинг муаммоларини ечишга қўмаклашиш ўрнига, ўзлари уларнинг йўлига тўғаноқ бўлиб, турли муаммоларнинг келиб чиқишига сабабчи бўлмоқда.

Шовот туманидаги Маҳтумқўли номли ММТП раи-

Фермернинг ҳўқуқи тикланди

си бўлиб ишлаган Р.Яҳшимуродов «Интизор Отаниёзова» фермер ҳўжалиги билан «Қишлоқ ҳўжалиги корхоналарига механизация ёрдамида бажариладиган ишлар ва кўрсатиладиган хизматлар» ҳақида шартнома тузилганлигига қарамай, фермер ҳўжалигини техника билан таъминламаган. Оқибатда чигит ерининг нами кетганидан кейин экилганлиги тўғайли униб чиқмаган. Уруғлик қайта экилганлиги ва бунга ортқича харажат сарф қилинганлиги сабабли фермер ҳўжалиги 1.629.545 сўм зарар қўрган.

Бундан ташқари, Р.Яҳшимуродов ҳамда ММТП бош муҳандиси Р.Қаландаровлар Маҳтумқўли номли ММТПнинг қишлоқ ҳўжалик машиналари ва автомобилларнинг соз ва бут ҳўлда сақланишини таъминламаганлиги ва инженер-техник ҳўдимлар, тракторчи ва ҳайдовчилар ишини назорат қилмаганлиги оқибатида автотранспорт воситаларининг 3.934.955 сўмлик эҳтиёт қисмлари йўқолиб кетган ва ҳўжаликка 9.640.868 сўм зарар етган.

Қишлоқ ҳўжалигида олиб борилаётган ислохотлар, ҳўсусан ширкат ҳўжаликлари тугатилиб, фермер ҳўжаликларига айлантирилаётганлиги ўз самарасини бермоқда.

Шунингдек, боқибегам бу раҳбарлар 18 та фермер ҳўжалигига ҳеч қандай шартномасиз 2.376.879 сўмлик хизмат кўрсатиб, қўнун талабларини бузган. Бу ҳам етмагандек, Р.Яҳшимуродов ҳамда Р.Қаландаров ишчиларга иш ҳақи тўлаш учун банкдан олинган 1.815.000 сўмнинг 375.000 сўмини ММТПда умуман ишламайдиган фуқаролар номига ёзиб, ўзлаштирилган.

Туман прокуратураси томонидан олиб борилган тергов жараёнида уларнинг барча кирдиқорлари фўш бўлди.

Ушбу иш жиноят ишлари бўйича Шовот туман судида қўриб чиқилиб, уларга нисбатан тегишли жазо белгиланди. Улар фермерга етказилган зарарни тўлаб, ММТПнинг талон-тарож қилинган мулкни жойига қўйишга мажбур бўлишди.

Марсел АСХАДУЛЛИН, Шовот туман прокурори



ТАНЛИЛ

Уларда иқтисодийётни янада эркинлаштириш соҳасидаги устувор йўналишларни жадаллаштириш, тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш ва улар томонидан тақдим этиладиган ҳисобот тизимини такомиллаштириш, микрофирма ҳамда кичик корхоналарни ривожлантиришнинг рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар белгилаб берилди. Аввал-бирлар молиявий жарима қўллаш ваколати 12 та идорага, тадбиркорлик субъектлари фаолиятини тўхтатиб қўйиш ваколати эса 6 та идорага берилган эди. Президентимизнинг «Тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»-ги фармониغا асосан жорий йилнинг 1 июлидан бошлаб тадбиркорлик субъектла-

субъектларининг ҳўжалик соҳасидаги молиявий жавобгарлигини эркинлаштириш тўғрисидаги фармонга асосан ҳўжалик юритувчи субъектларнинг барчаси учун мавжуд ҳуқуқ ва қонуний манфаатларни ҳимоя қилиш тизими янада такомиллаштирилди.

Унга кўра ҳўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини давлат томонидан назорат қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларига қатъий риоя этилиши учун назорат органлари мансабдор шахсларининг жавобгарлиги кўчатирилган. Табиий савол туғилади: давлат органларининг ноконуний қарорлари ёки шу органлар мансабдор шахсларининг қонунга хилоф ҳаракатлари натижа-сида тадбиркорлик субъектига етказилган зарарни қим тўлайди? Фармонда зарарнинг ўрни суд қарори

лари эса ҳар уч йилда кўпи билан бир марта режа асосида текшири-лиши белгиланди. Янги ташкил қилинган микрофирмалар, кичик корхоналар ва фермер ҳўжаликларининг молия-ҳўжалик фаолиятини улар давлат рўйхатида олинган пай-тдан бошлаб икки йил мобайнида режа асосида текшириш ўтказил-майд.

Шу йилнинг 21 сентябр куни тадбиркорлар учун муҳим аҳамият-га эга бўлган «Тадбиркорлик фао-лиятини юритиш учун рухсатнома турларини қисқартириш ва уларни бериш тартиб-қоидаларини содда-лаштириш тўғрисида»-ги Президент қарори қабул қилинди. Ушбу ҳўж-жат тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун рухсатнома турларини қисқартириш ва уларни бериш тартибини соддалаштириш-

Тадбиркорлар ҳимояси — ривожланиш омили

Мамлакатимиз-
да бозор
ислохотларини
чўқурлаштириш,
иқтисодийётни
эркинлашти-
риш, эркин тадбиркорлик фаолияти кафо-
латларини таъминлаш, кичик бизнес ва
хусусий тадбиркорлиқни ривожлантириш,
бозор инфратузилмасини шакллантириш
йўлидаги мавжуд тўсиқларни бартараф
этишда Президентимизнинг жорий йилдаги
қатор фармон ва қарорлари муҳим аҳамият
касб этмоқда.

рига нисбатан фаолиятини тугатиш, тўхтатиб қўйиш, банклардаги ҳисоб-варақалар бўйича операцияларни тўхтатиб қўйиш, молиявий санкцияларни қўллаш, ҳўқуқбузарлик пред-метларини давлат даромадига ўтка-зиш, тадбиркорлик фаолиятининг айрим турлари билан шуғулланиш лицензияларини 10 иш кунидан кўпроқ муддатга тўхтатиб қўйиш ёки амал қилишини тугатиш ва бекор қилиш, ҳўқуқий таъсир чоралари фақат суд тартибиде қўлланиладиган бўлди. Фармоннинг 2 бандига кўра, бундан буён тадбиркорлик субъектларининг молиявий ҳўжа-лик фаолиятини фақат белгилан-ган тартибда солиқ хизмати орган-лари текширадилар. Мабоуд улар томонидан текширув асосида со-лиқ ва валютасида оид жиноят ало-матлари аниқланган, уҳолда бу ишни Республика Бош прокуратураси ҳўзуридаги солиқ ва валютасида оид жиноятларга қарши курашиш Де-партаменти амалга оширади.

«Микрофирмалар ва кичик кор-хоналарни ривожлантиришнинг рағ-батлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»-ги фар-монга кўра эса жорий йилнинг 1 июлидан микрофирмалар ва кичик корхоналар учун ягона солиқ, бюд-жетдан ташқари Пенсия жамғар-маси, Республика уй-ҳўй жам-ғармаси ва Мактаб таълими жам-ғармасига мажбурй ахратмалар тўлаш ўрнига ягона солиқ тўлови жорий этилди. Шу пайтгача ҳисоб-тоб ва тўловлар ҳар ойнинг ўинчи кунигача амалга оширилган бўлса, бундан буён ягона солиқ тўлови ҳисобот чорагидан кейинги ойнинг 25 кунигача узайтирилди. Эндилик-да тадбиркорлик субъектлари чорак тугагач, йигирма беш кун давомида ҳисоботларини пишқ-пўхта қилиб топшириш имкониятига эга бўлди.

Тадбиркорлик субъектларининг ҳўжалик соҳасидаги ҳўқуқбузарлик-лари учун молиявий жавобгарлигини эркинлаштириш ҳам бугунги кун талабига айланди. Шу маънода эълон қилинган «Тадбиркорлик

асосида бевоси-та ана шу давлат органлари томо-нидан, биринчи навбатда, улар-нинг бюджетдан ташқари жамғар-ма маблағлари ҳисобига қопла-ниши қайд этил-

ган. «Тадбиркорлик субъектлари то-монидан тақдим этиладиган ҳисоб-от тизимини такомиллаштириш ва уни ноконуний талаб этганини учун жавобгарлиқни кўчатириш тўғри-сида»-ги қарор кичик корхоналар, фир-маларнинг ҳисобот юритишларида муҳим аҳамият касб этади. Қарорга мувофиқ, биргина мажбурй тўло-лар бўйича ҳисоб-китоблар солиқ идораларига ҳар ойда эмас, ҳар чоракда тақдим этилишига ўтилди.

Тадбиркорлар фаолиятини рив-ожлантиришга оид ислохотларнинг ўзига хос жиҳатларидан яна бири унинг босқичма-босқич амалга оши-рилаётганидир. Шу йилнинг 5 октябрида эълон қилинган «Тадбир-корлик субъектларини текширишнинг янада қисқартириш ва унинг тизи-мини такомиллаштириш чора-тад-бирлари тўғрисида»-ги Президент фармони ҳам тадбиркорлик фао-лиятини ҳўқуқий ҳимоялаш бораси-да амалга оширилаётган ислохот-ларнинг узвий давомидир. Унга асо-сан текширишларни ташкил қилиш тизимини такомиллаштириш ва ҳўжалик юритувчи субъектлар фао-лиятини давлат томонидан назорат қилиш тўғрисидаги қонун ҳўжжатла-рига қатъий риоя этилиши учун на-зорат идоралари мансабдор шах-сларининг жавобгарлигини кўчати-риш борасида аниқ вазифалар бел-гилаб берилди. Илгари янги ташкил этилган тадбиркорлик субъектлари ҳали оёққа туриб олмасиданоқ ре-жал текширишларга дуч келарди. Текшириш натижаларига асосан тур-ли назорат идоралари томонидан уларга нисбатан таъсир чоралари қўлланилар эди. Бунинг натижасида эндигина фаолият бошлаган фир-ма ёки корхона касодга учраб, ишлаб чиқариш фаолиятини тўхтат-ганлар ҳам йўқ эмас. Ушбу фар-моннинг энг муҳим жиҳатларидан бири бундан буён микрофирмалар, кичик корхоналар ва фермер ҳўжа-ликларининг молия-ҳўжалик фао-лияти ҳар тўрт йилда кўпи билан бир марта, бошқа тадбиркорлик субъек-

га қаратилган. Қарорга кўра, 1 ок-тябрдан бошлаб қонун ҳўжжатла-рида белгиланган фаолият турлари билан шуғулланиш учун лицензия-лар 5 йил муддатга берилиши бел-гиланди.

Шу ўринда ушбу норматив ҳўж-жатлар Бош прокуратура зиммаси-га масъулият юклаганлигини ҳам айтиб ўтиш лозим. У назорат орган-лари мансабдор шахсларини тад-биркорлик субъектларининг ҳўқуқ ва манфаатларини бузганликлари учун жазолаб, ҳатто уларни жиноий жавобгарликка тортишни таъмин-лайди. Шу билан бирга, Бош проку-ратура «Тадбиркорлик фаолияти эр-кинлиги кафолатлари тўғрисида»-ги Қонун талабдари сўзсиз бажари-лишига устидан назоратни кўчати-тиради. Чўнки мазкур ҳўжжатларда назорат органларининг раҳбарла-ри ва мансабдор шахслари тадбир-корлик субъектларида ўз ваколатла-ри ва назорат соҳаси доираси-дан ташқари масалалар бўйича ҳар қандай текширувлар ўтказганлиги учун шахсан жавобгар, ҳатто жино-ий жавобгар бўлиши белгилаб қўйилган.

Эндиликда назорат органларининг тадбиркорлик субъектлари фаолиятига аралашуви кескин ка-майди. Улар фаолиятини асоссиз чеклашга йўл қўйилмайд. Булар-нинг барчаси тадбиркорлик ҳара-катини сифат жиҳатдан янги босқич-га кўтариш имконини яратди.

Шу ўринда Департамент орган-лари ходимлари томонидан 1930 маротаба янги норматив ҳўжжат-ларнинг қабул қилиниши, мулкни давлат тасаруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлиқни ривожлан-тириш, уларнинг қўллаб-қувватла-ниши, шунингдек, иқтисодий исло-хотларни янада чўқурлаштириш ва иқтисодийётни эркинлаштириш ма-салаларини аҳоли ўртасида тушу-ндириш, ҳўқуқ-тарғиботи тадбирла-ри ўтказилди. Қарс икки қўлдан деганларидек, энди мамлакатимиз иқтисодийётининг ривожга ҳам, эзу-ниятларимизнинг амалга ошиши ҳам, қабул қилинган қарор ва фар-монларнинг амалдаги ижросини таъ-минлаш ҳам сизга бизга боғлиқ.

Гулчехра РАЗЗОКОВА,
Республика Бош
прокуратураси ҳўзуридаги
СВОЖК департаменти маъбуот
гуруҳи катта инспектори



DEPARTAMENT FAOLIYATIDAN

БАНКДАН ТАШҚАРИДА АЙЛАНАЁТГАН МИЛЛАРДЛАР

Тадбиркорлик, кичик ва ўрта бизнесни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш мамлакат иқтисодийётини юксалти-ришнинг энг муҳим омили эканлигига ўтган йилларда тўла ишонч ҳосил қилдик. Уларнинг эмин-эркин фаолият юритишлари учун яратилган ҳўқуқий кафолатлар ва имтиёзлар самарасини ҳар қадамда ҳис этиб турибмиз. Прокуратура органлари эса тадбиркор-лар ҳўқуқларининг ҳимоя қилинишига ҳар қачонгидан кўпроқ эътибор қаратмоқда. Бирок шўнга қарамай, бу соҳада, айниқса солиққа доир қонунчилик ижросини таъминлаш юзасидан ҳали кўп ишлар қилиниши лозимлиги аён бўлмоқда.

Республикаси Бош прокуратураси ҳўзуридаги СВОЖК департаменти органлари томонидан ноконуний пул айланмаларини аниқлаш борасида 2005 йилнинг 10 ойи давомида олиб борилган тезкор-таҳлилий, қўдирув ишлари натижасида бир қатор қонунбузарликлар фож этилиб, жазо муқаррарлиги таъминланмоқда.

Департамент органлари юридик шахслар ва юридик шахс бўлмаган якка тартибдаги тадбиркорлар томонидан белгиланган савдо қоидаларига сўзсиз риоя этилишини таъминлаш устидан назорат ўрнатиб, товарларнинг нақд пулга улгуржи сотилишига йўл қўймасликка, назорат касса машиналари мавжудлигига, нақд пул маблағлари ўз вақтида инкассация қилинишига алоҳида эътибор бермоқдалар. Жиддий қонунбузилишлар аниқланганде эса айбдорларга жиноий жавобгарликка тортишгача бўлган жазо чоралари қўлланилмоқда.

Айниқса, улгуржи ва чакана савдода, умумий овқатланиш ва пулли хизматлар кўрсатиш соҳаларида савдо ва нақд пул тушувларини топшириш қоидаларини қўпол равишда бузиш ҳоллари учраб турибди. Текширишлар натижасида банкдан ташқари 126 миллиард 86 миллион сўм ноконуний нақд пул айланмалари аниқланиб, улар бўйича 786 та жиноят ва 363 та маъмурий иш қўзғатилди, айбдорларга нисбатан 33,6 миллиард сўм миқдорда молиявий жарималар қўлланилди.

Шу давр мобайнида ҳўжалик юритувчи субъектлар томонидан 63 мил-лиард 34 миллион сўм савдодан тушган нақд пул назорат касса машинаси-дан ўтказилмаган, 73 миллиард 494 миллион сўм нақд пул тушувлари банк муассасаларига топширилмаган, 3 миллиард 364 миллион сўмлик алкоғолли маъсулотлар махсус рухсатномасиз сотилган, 46 миллиард 232 миллион сўмлик товарлар улгуржи тартибда сотиш қоидалари бузилган ҳолда нақд пулга сотилган, ноконуний равишда амалга оширилган 29 миллиард 674 миллион сўмлик товар пул айланмалари ҳисоботлардан яширилган.

Жўмладан, Бўхоро шахридаги «Декори компани» МЧК раҳбари Х.Шакиров 1 миллиард 173 миллион сўмдан зиёд товар айланмаларини давлат солиқ инспекциясига тақдим этган ҳисоботларида 1 миллиард 109 миллион 985 минг сўмга қамайтириб, бюджетга тўлашни лозим бўлган 29,3 миллион сўмлик солиқ ва бошқа мажбурий тўловларни тўламаган. Бундан ташқари Х.Шакиров улгуржи савдо гувоҳномасини қалбақлаштириб, 171,9 миллион сўмлик харидорғир маъсулотларини сотишдан тушган нақд пуллари банкка топширмаган, махсус рухсатномасиз 53 миллион 700 минг сўмлик дори-дармон воситаларини сотган.

Тошкент шахрида рўйхатга олинган «Lotin savdo» МЧК раҳбари В.Шапи-лов эса фуқаро М.Раҳимов билан ноконуний даромад олиш мақсадида жамият ҳисобидаги 25 миллион сўм маблағларини 96,5 фоиз ҳисобида нақдлаштириб, 19,9 миллион сўм ва 3,500 АҚШ долларини олган пайтида тезкор ходимлар томонидан ушланди.

Қизилтепа тумани «Сафарбобо-Д» ИЧСФда ўтказилган текширишда фирма мансабдорларининг айблари очилиб қолди. Улар томонидан 1 миллиард 182,8 миллион сўмлик товар айланмалари амалга оширилган бўлса-де, туман ДСҲга топширилган ҳисоботларида 916,7 миллион сўмлик товар айланмалари яширилиши натижасида давлат бюджетига 17 миллион 529 минг сўмдан ортққ солиқ ва бошқа мажбурий тўловлар тушмасдан қолган. Бундан ташқари фирма мансабдорлари 2004-2005 йиллар давомида спиртли ичимликлар савдосидан тушган 77 миллион 385,4 минг сўм нақд пуллари ҳам банкка топширилмаган.

Мазкур ҳолатлар юзасидан айбдорларга нисбатан жиноят ишлари қўзғатилиб, тергов ҳаракатлари олиб бориш учун прокуратура органларига юборилди.

Ҳўжалик юритувчи субъектлар томонидан ноконуний пул айланмаларини амалга ошириш, қонунга хилоф равишда харидорғир маъсулотлар сотиб олиб, нақд пулга қайта сотиш ҳолатларига йўл қўймасликка масъул бўлган банк муассасалари, давлат солиқ хизмати ва ҳокимият органларининг айрим ходимларининг ўзлари жиноятга шарт-шароит яратиб бераётганликлари таассуфланарлидир. Банк муассасаларининг мансабдорлари иштирокда ноконуний нақд пул айланмасини амалга ошириш, инкасса топширишларини ижрога қўймаслик, бюджет маблағларини бошқа мақсадларга йўналтириш, пул маблағларини ўзлаштириш ва валютасида оид содир этилган суисте-молчиликлар юзасидан 124 нафар банк ходимига нисбатан жиноят ишлари қўзғатилди.

АТ «Тадбиркорбанк»нинг Навоий вилояти Қизилтепа бўлими мансаб-дорлари А.Ражабов ва бошқалар Самарқанд туманидаги «Новий город» ХИТФ раҳбарлари билан тил бириктириб, фирма учун ичкиамал ҳисоб рақамини очиб берганлар. Натижада 468,1 миллион сўмлик савдо тушувлари банкка топширилмаган, 13,3 миллион сўмлик солиқ ва бошқа мажбурий тўловлар яширилган.

Қашқадарё вилояти Якабоғ туманидан фуқаро Б.Ҳакимов ва С.Мўминов ва «Уйойжамгармабанк»нинг Қашқадарё бўлими мансабдорлари билан келишиб, фаолияти тўхтатилган «Мўминов Шерзод» деҳқон ҳўжалигининг ҳўжжатлари ва штампларидан фойдаланиб, қалбаки ҳўжжатлар тайёрлаша-ди. Улар асосида ҳисоб рақами очиб, қонунга хилоф равишда 150,3 миллион сўмлик улгуржи ва чакана савдонини амалга оширишадди. Бирок улар ўйла-нидек «ёпиғлик қозон ёпиғлигига» қолгани йўқ. Баён этилган ҳолатлар юзасидан банк идораларининг масъул ходимлари устидан жиноят ишлари қўзғатилди.

А.МОЛДАБЕКОВ,
Республика Бош прокуратураси
бўлим бошлигининг ўринбосари

AKS-SADO

Ёзувчи Йўлдош Парда қаламига мансуб, «Нуқуқ» газетасининг 2005 йил 47-сонида чоп этилган «Мамну неъмат ёхуд ботиний паранжи хосиятлари» номи мақолани ўқиб каминада ҳам айрим мулоҳазалар туғилди.

Авалламбор, афсуски, мухтарам домланинг фикрларига қўшил-масликнинг деярлик иложи йўқ. Деярлик дейишимнинг сабабини қуйроқда изоҳлашга ҳаракат қиламан. Ҳозир бўлса, ўзим гувоҳи бўлмаган бўлсам-да, отам ҳамда маҳалламизнинг айрим қарияларидан эшитган бир ҳолатга тўхталмоқчиман.

Ўтган асрнинг 1950 йиллари охирида бўвкам раҳматлик кўчмазининг бошида ўтириб оларкан-да, бошига рўмол ўра-маган ёки лозим киймаган аёл-ларни кўрса, бўралатиб сўкишни бошларкан. Бирорта одам «Ҳа, нима бўлди?» деб сўраса, «Кўрмайсан-ларми, кўчага чиққанида рўмолли бўлмаса...» фаришталарни қочириб юборди-ку булар! дер экан тутоқ-қанча. Хайрон қоларлик жойи, ўшан-да ҳамма буни тўғри тушуниб, на ўша аёллар, на уларнинг отаси ёки эри ўртага тушмаган экан. Тўғри, камина диний томондан мутахас-сис бўлмаганлигим боис, бўвкам-нинг қарашларини юз фоиз оқлай олмайман. Аммо, тан олиш керак, сўнгги пайтда аксарият аёллари-миз кўчада-ку майли-я, кўпчина қозон тепасида ҳам рўмол ўрашни унутиб қўйишмоқда. Оқибатда эса кўча-қўйдаги ошхоналарга кирсан-гиз, доимо бўлмаса-да, гоҳ-гоҳ овқатингиздан... бугеи тушунарли бўлса керак.

Энди юқоридagi мақолага қайт-сак. Мухтарам домла мақолани ав-тобусдаги воқеадан, йўловчи чо-лнинг эътирозидан бошлайди ва ҳамма айбни қиларга қўяди. Умуман ол-ганда бу тўғри. Кийинчи маданият, мода деймиз. Аммо ҳар нарсанинг чегараси бўлганидек, кийинчи ма-данияти билан моданинг ҳам меъёри бўлиши керак. Лекин, танганинг ик-кинчи томони бўлганидек, ўша, мода кетидан қувганларнинг ўйда катта-лар — эрию ота-онаси ҳам бор-ку! Уларнинг қўзи қаёқда?

Ўрни келганда бир мисол: Яқин-да автоустоҳонада ўрта яшар бир йигит билан суҳбатлашиб қолдим. Юқоридagi муаммо унинг ҳам из-зат-нафсига теккан шеклиги, ху-ноби ошганча бир оғайнисини ми-сол қилди:

«Оғайним билан бир маҳаллада истикомат қиламиз. Бўйи етган қизи бор. Бир куни шу қизни баданига ёпишиб турган тор кийим кийган ҳолда кўриб қолдим. Эртасига оғай-

Доно халқимиз айтмоқчи «Чил-лаки чиллакини кўриб, чумак уриб-ди» деганларидек, ҳамкасбларим курсдошларининг сўнгги модада кийинишини кўриб, уларга ҳавас, тақлид қиладиганлар бор, албатта. Аммо яна шу халқнинг «Кўрпанга қараб оёқ узат» деган мақоли ҳам бор. Балки бу мақолани ўрнида иш-лата олмагандирман, лекин, турли йигинлардаю телевизорга чиқиб олиб, «Ҳа, биз фалончиларнинг авлодимиз», дея номи дунёга кет-ган бобою момоларимизнинг номи билан керилгандан кўра, келажак авлодга бефарқ бўлмаслик шарт-лигини наҳот унутиб қўйдик?!

ечимини топгани йўқ. Неча йилдирки ОАВда телевизор орқали на-мойиш қилинаётган а й р и м б е ҳ а ё фильмлар танқид қилинмоқ-да. Бу ма-қолаларни деярлик ҳаммамиз ўқиймиз. Ле-кин бунга ҳам негадир аҳамайи бер-маймиз.

Ҳаммаси ўзимизга боғлиқ

ним билан учрашганимда, «Ўрток, бу қизингни бўйи етиб, кўзга кўри-надиган бўлиб қолибди-я. Кеча кўриб, кўзимни узоқламай қолдим...» дедим кесатиб. Ўзини эркак санаб юрган инсон борки, бу гапни эшит-ган заҳоти мен билан ёқа бўғиши-ши керак эди. Ишонасизми, энг алам қиладигани, бу гапдан унинг бир туки ҳам қилт этмади. Ҳеч нараса бўлмагандек «Ҳа, энди ҳозирги ёшларни биласан-ку, тез улғайишяпти» дейди безрайиб ту-риб. Отаки бунақа бўлгандан кейин боладан ниманиям кутиш мумкин?».

Шўқри бундайлар санокли. Дар-ҳақиқат, бировни айбаш осон. Боз устига ўша ёшларнинг аксарияти бундай кийим-кечакни харид қилиш учун маблағни асосан ота-онаси-дан олади-ку. Қолаверса ота-она ҳам бу пуллари қўчадан супуриб келмаётган бўлса керак? Шундай экан, биринчи галда айбни ўзимиз-дан излашимиз керак эмасмикан? Лойиқ келди, ярашди деб ҳар қан-дай латта-путтага пул сарфлаш шартмикан?

Шу ўринда муаллифдан узр сўра-ган ҳолда, у кишининг мақолада келтирган бир фикрга тўхталмоқ-чиман. «Ҳар ким ўзи хоҳлаганча кийинади, унақа кийин-бунақа кий-ин десак инсон ҳуқуқларини пой-мол қилган бўламиз дейсизми? Га-пингизга ўз фоиз қўйилмиш...» дейди домла, бунга қўшилиш мум-кин, аммо гинеколог бўлиб ишла-диган врачни мисол қилиб, унинг касб танлаш ҳуқуқини поймол қил-маптимиз? Масалан, шахсан мен ҳам эркакларнинг бу касбни тан-лашига қаршиман. Албатта, бу ме-нинг шахсий фикрим. Лекин бу касб орқасидан фожиа есаш... Яна билмадим. Қолаверса, кийимни тез-да алмаштириш мумкин. Аммо ҳаётининг анча қисмини касбига бағишлаб, илмий иш қиладиган одам осонликча бошқа ишининг бошини тутолмаса керак. Ёки рассомларни олайлик. Улар ҳам ижоди давомиди неча ўй мартабала «натура» аёл-лар-нинг суратини чиқишади-ку!

Кези келганда айтиб ўтиш ўрин-ли — яна бир масала ҳали ўзининг

Шу муаммоларни ёзиб ўтириб-ману, мени бир савол қийнади. Бундай кийинишдан нима наф бор экан? Агар Йўлдош ака айтгандек, эркакларнинг соғлиғига зарар бўлса, оқибатда аёлларнинг ўзи ҳам фойда кўрмайди-ку. Бундан ташқари ўзининг соғлиғи-чи? Ёз ойларида майлия, ҳозир-чи? Куни кеча ўзим шохиди бўлдим. Ёнгига қалин куртка билан шим кийиб ол-ган ёшгина қизнинг қорин қисми очик, Эс-хушли бу қиз бели-ю энг нозик аъзо бўлиши буйрагининг шамоллашини ўйламасмикан?

Ушбу мақолани ўқиганларнинг айримларида «Ҳа, энди кўз бўлган-дан кейин қарайди-да эркак киши. Нима ҳам қилишимиз мумкин?» де-ган савол туғилиши мумкин. Назар-римда бунга жавоб тариқасида бир неча марта ҳажга борган бир та-ниш акахонинг фикрини келтириш ўринли бўлади.

— Тўғри, бандамиз, — деган эди ўша киши, — кўз ҳам қараш учун чиқарилган. Қолаверса, гўзал нар-сага ҳамма ҳам иштиёқ. Лекин

қарашда ҳам қараш бор. Бирорта аёлга ҳирс билан қараш кўз зино-си дейилади. Шунинг учун кўча-қўйда чиройли аёлларга кўзингиз тушса, Оллоҳга ҳамд айтинглар. Яъни «Шундай махлуқотни яратган Оллоҳга ҳамд бўлсин», дегн-да йўлингиздан қолман. Энди, кийи-нишига келсак, бунинг учун ўзи жаवобини беради.

Хуллас, ёзаман деса, гап кўп. Аввало, ҳаммага инсоф берсин. Қолаверса, юқорида айтганимдек, биринчи галда ўзимиз ёшларга ўрнат қилишимиз шарт. Аммо ка-минани бошқа нараса ташвишга солмоқда. Йўлдош аканинг куюниб ёзган мақоласи жорий йилнинг 23 ноябр куни чоп этилгани ҳолда, тахририят ўтган бир ой мобайнида бирор-бир фикр-мулоҳаза билди-рилган мактуб олмади. Халқимиз-га бефарқлик иллати қачон илаш-ди экан, хайронман. Худо асраси-ну, бу кетишда Йўлдош ака айтга-нидек, «...ярага ўз вақтида малҳам қўйилмаса, газак олиб кетади».

Ғафуржон АЛИМОВ

PROKUROR PROTESTI BILAN

Соғлом фикрли ҳар бир инсон фарзанд-ни бекаму кўст ўстиришга, оиласи, Ватанига фойдаси тегадиган қомил инсон қилиб тарбиялашга интилади. Аммо ҳаётда гоҳида билиб-билмай қилинган иш тўғайли инсон адашиб, боши берк кўчага кириб қолади. Чимбойлик Д.Бекимбетова адашиб, ҳатосини тўғрилаб олгунча бир канча қийинчиликларни бошидан кечиришини сира ўйламаганди. У М.Торемуродовга турмушга чиққанида умрининг охиригача бирга бўлишни ният қилганди. Турмуш давомида икки нафар фарзандли бўлишди. Аммо кейинги пайтлар-да тез-тез бўлиб тураётган жанжаллар тўғайли ўртадан меҳр кўтари-да бошладди.

2001 йили Д.Бекимбетова аразлаб, ўглини турмуш ўртоғига ташлаганича, қизини олиб онасиникига кетиб қолади. Бунинг жабрини фарзандлар чекади. Қизи акасига ичкаверганига чидай олмаган она оиласи тикланишига умид боғлаб, уни турмуш ўртоғининг уйига ташлаб ке-лади. Лекин бир неча ойдан сўнг М.Торе-муродов бошқа аёлга уйланиб, ўглини бобоси ва бувисига қолдириб, ўзи бошқа жойда яшай бошлайди.

Сўнг М.Торемуродов судга мурожаат этади. Суд никоҳни бекор қилиб, фарзанд-ларни отасига қолдириди ва Д.Бекимбе-товадан алимент ундириш тўғрисида қарор қабул қилади. Бундан хабар топган она фарзандларига ўзи тарбия беришини бил-дириб, судга мурожаат этади. Суд унинг даъвосини қисман қаноатлантириб, фа-қатгина қизи Камилани унинг тарбиясига олиб беради, холос. Фуқаролик ишлари бўйича Қорақалпоғистон Олий судининг апелляция инстанцияси эса қуйи босқич суди ҳал қилув қарорини ўзгартирсиз қол-

Фарзанд эътиборсиз қолмасин

дириш лозим деган тўхтамга келади.

Шундан сўнг, Д.Беким-бетова Қорақалпоғистон Республикаси прокурату-расига: мурожаат этади. Унинг шикоятни ўрганилган-да, даъво талабларини қаноатлантиришга асос борили маълум бўлади.

Хусусан, Олий Суд Пленумининг «Судлар томонидан никоҳдан ажратиш ҳақидаги ишларни кўришда қонунларни қўллаш ама-лиёти тўғрисида»ги қарорнинг 15-банди-га кўра, шароитлар ўзгарганда (ота ёки она билан бола ўртасидаги муносабатлар тикланган, боланинг яшаш шароитлари ёмонлашган ва бошқа ҳолларда) манфа-атдор ота ёки она болани ўз тарбиясига олиб бериш ҳақида қайтадан ҳолда кўзга-тиш ҳуқуқига эга. Д.Бекимбетова ушбу ҳуқуқдан фойдаланган ҳолда судга муро-жаат қилиб, икки нафар фарзандини ота-сига қолдирса оиласи тикланиб кетишига



Лекин Чимбой туман васийлик ва ҳомий-лик органи жавобгар М.Торемуродовнинг уй-жой шароитларини текшириш ўрнига, Оила кодексининг 88-моддаси талабини қўпол равишда бузиб, жавобгарнинг ота-си яшайдиган уйда болалар яшаш учун шароитлар етарли деган хулоса берган. Бундан ташқари, маълумотномада фар-зандлар асосан бувасининг уйида қо-лиши, гарчи унинг отаси уйланиб, бошқа ерда яшайётган бўлса-да, отасининг уй-ижи бўлганлиги сабабли фарзандларини

кўриб туришлигини қайд этади. Шунинг-дек, жавобгарнинг ўзи ўғли отасиникида ҳам, ўзиникида ҳам тураверишини айт-ган. Аммо биринчи инстанция суди бу ҳолатга ҳуқуқий баҳо бермаган.

Республика Олий суди Пленумининг «Болалар тарбияси билан боғлиқ низо-ларни кўришда судлар томонидан қону-ларни қўллаш амалиёти тўғрисида»ги 23-қарори талабига кўра, судлар бошқа-бошқа турадиган ота-оналар ўртасида бўлган, уларнинг қай бири билан қайси боласи яшаш учун қолиши тўғрисидаги низоларни ҳал қилишда Оила кодекси-нинг 71, 73-моддалари талабига риоя этиши лозим. Яъни, ота-онанинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари тенглигига асосланиб, вояга етмаган болалар манфаатларидан келиб чиққан ҳолда, болаларни тарбия қилишда улар бошқа шахслар олдида устун ҳуқуққа эга ва улар болаларни қону-нга асосланмаган ҳолда ушлаб турган ҳар қандай шахсдан талаб қилиб олишга ҳақлидирлар. Шу билан бирга, фарзанд-лардан бири 6 ёшда, иккинчиси 5 ёшда-лигини, улар бирига бўлиши ҳамда она меҳрига муҳтожлигини инобатга оли-май, болалар манфаатига зид равишда биринчи инстанция суди шомша-шоар-ликка йўл қўйган.

Республика Олий судига киритилган протест қаноатлантирилиб, қонуний ҳуқуқ ва манфаатларнинг тикланишига эри-шилди.

О.ОТАЖОНОВА,
Республика Бош прокуратураси
бўлим катта прокурори

ЎЗБЕКИСТОН КОНСТИТУТСИЯСИГА 13 ЙИЛ ТО'ЛДИ

Ўзбекистон
Республикасининг
Конституцияси

Конституцияни қабул қилишда авлодлар олдидаги юсак масъулият анланганлиги эътироф этилган. Бу ҳол иқтисодни ривожлантириш, табиатни муҳофаза қилиш, табиий ресурслардан сқилона фойдаланиш доимо диққат марказида бўлишини тақозо этади.

Конституцияни қабул қилишда демократия ва ижтимоий адолат-

Дунёдаги барча демократик мамлакатларда конституция асосий қонун ҳисобланади. Фақат давлат тузилиши, ҳокимият органлари фаолиятини белгиллаган дастлабки конституциялардан амалдаги конституциялар вази-ларининг кенгайиб бориши билан фарқ қилади.

Ўзбекистон Конституцияси ўзида жаҳон конституция-ларининг энг муҳим ижобий томонларини акс эттиргани билан характерланади. Шунингдек унда халқимизнинг хоҳиш-иродаси, орзу-истаклари акс этган.

халқ руҳиятининг акс этиши

га содиқлик баён қилинган. Чунки турмушда, оила-да, давлат билан муносабатда адолат принципи доимо устувор ҳисобланади. Асосий қонунимизда фуқароларнинг муносиб ҳаёт кечиришини таъминлаш алоҳида таъкидланган. Бу давлатнинг асосий фаолияти шунга қаратилишини билдиради. Фаровонлик фақат иқтисодий қулай шароит яратишининггина эмас, фуқароларнинг сиёсий, маънавий ҳаётда иштирок этиши, салоҳиятидан унумли фойдаланишини ҳам тақозо этади.

Халқимизнинг руҳиятига мос мазкур қонун конституция норма-

ларида акс этган. Конституциянинг 13-моддасида мустақамланган «Ўзбекистон Республикасида демократия умуминсоний принцип-ларга асосланади, уларга қўра инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, кадр-қиммати ва бошқа дахл-сиз ҳуқуқлари олий қадрият ҳисоб-ланади» деган қонда инсон тақди-рини, ҳаётини белгилашда бош тамойил ҳисобланади.

Асосий қонунимиздаги қонун-нинг ислом дини қоидалари билан муҷассамланиши, исломнинг ин-сонпарвар қоидаларини ўзида акс эттириши конституциямизнинг халқ руҳиятига мос эканлигига яна бир мисолдир.

63-модда.

Оила жамиятнинг асосий бўғинидир ҳамда жамият ва давлат муҳофазасида бўлиш ҳуқуқига эга.

Никоҳ томонларнинг ихтиёрий розилиги ва тенг ҳуқуқли-лигига асосланади.

Конституцияда

Оила азалдан жамиятнинг энг муҳим таркибий қисми бўлиб кел-ган. Шунинг учун конституцияда оила муносабатларининг асосла-ри белгилаб қўйилган. Жамиятни мустақамлиги кўп жиҳатдан оила-га, ундаги муносабатларнинг тўғри ташкил қилинишига боғиқ.

Конституцияга асосан ота-она-лар фарзандларини воёга етгун-ларига қадар боқиш ва тарбия-лашга мажбурдирлар. Ўз навбати-да воёга етган лаёқатли фарзанд-лар ота-оналари ҳақида ғамхўрлик қилишига мажбурдир. Демак, оила-да ҳуқуқ ва бурчининг ўзаро боғлиқ-лиги мавжуд. Оила муносабатла-рида ота-она ва фарзандлардан

ташқари давлат ҳам иштирок эта-ди. Унинг мажбуриятлари ҳам конституцияда белгиланган.

Ҳаёт жуда мураккаб. Тақдир тақозосига қўра етим бўлиб қол-ган болаларни боқиш, тарбия-лаш ва ўқитишни давлат зимма-сига олади. Давлат халқимизнинг табиатига хос бўлган хайрия фа-олиятини рағбатлантириш билан ҳам шуғулланади. Хуллас, кон-ституция жамият ва давлатнинг асосий қонунини бўлиб, унда асо-сий қонунга хос барча хусусият-лар мавжуддир.

Дилнавоз ТОҲИБОВЕВА,
ТДЮИ ўқитувчиси

ЕНТИҲОТ БО'ЛИНГ, ФИРИБГАР!

Дилдора Тоҳирова (исмлар ўзгартирилган ҳолда берил-ди) Қарши туманининг Бешкент шаҳрида туғилган. Ўрта мактабни битиргач, нуфузли илм даргоҳларида бирида таҳсил олди. Олийгоҳни битириб, нодавлат ташкилотлари-дан бирида ишлай бошлаган Дилдора икки йил ичидан бир нечта жамоадорининг «қўлтигига сув пурақаб», ёлгон ваъдалар берди. Нуфузли идораларда хизмат қилаётган акаларининг номидан кимгадир ўғли учун олийгоҳ талабали-гини ваъда қилди, яна бировни амал курсисига жойлашти-ришга ишонтирди. Кўп ўтмай уюшмада содир этилган қонунбузарликлар юзасидан олиб борилган тергов харак-тарли фирибгар аёлнинг кирдикорларига барҳам берди.

Ўрганган кўнгил ўртанса қўймас деганлари бежиз эмас экан. Дил-дора эски хўнарини ташламади. Унинг устамонлиги ошиб, энди тур-муш ўртоғини ҳам шерикликка чо-рлади...

...Ёлғиз боши билан болалари-ни улғайтирган Ҳикоят кенжа ўғли-ни Россияга жўнатди. Аввалига на хат келди, на хабар. Узун тунлар ғайри ҳаёлларни кўз ёшлари билан енгди. Ниҳоят олти ой деганда «Она-жон, ишим яхши, тузукроқ ҳовли дарақлайверинг. Насиб этса, тайёр участка сотиб оламиз» деди ўғил қўнғироқ қилиб.

Ўшанда кеч қуз эди. Қайнотаси-нинг туپроғи совумай туриб, яна бир қайғу эшик тақиллатди. Азадор хонадонда марҳум амманнинг маъ-ракаси бўлаётган эди. Хона тўрида ўтирган отиний шикаста овозда марҳум руҳига тиловат ўқийди. Шун-да эшикдан кираверишга ўрнатил-ган телефон қўнғироғи чалинди.

Ҳикоятни сўрашган экан. Шу тоб-да юрагига қил сиймайди-ю, теле-фонга боло борим. Гушақни қўлига олиб, нариги томонда сўзлаётган бефаросатнинг саволларига қисқа-қисқа жавоб берди. Тавба деди ичи-да, ахир, бу ерда йиги-сиги бўлаёт-ганини биласан. Яна таъзияга бор-гандим, эътибор бермадигангиз, бал-ки танимагандирсиз деганига ўлай-ми. Мен нима ғамда, у нима ҳаёлда. Қизик, нима иши бор экан-а.

Шомга қадар ҳаёлида ғалати ўйлар айланиб юрди. Телефонда сўзлашган аёл қишлоқнинг нариги чеккасида яшайди. Онда-сонда ка-салхона томонга ўтганда учратарди уни. Шунчаки салом-алиқдан нари-га ўтишмаган.

Минг бир ўй-ҳаёллар билан уй-га етиб келганини ҳам сезмай қол-ди. Иккинчи қаватга кўтарилаётган-да уй ичкарисидан телефон қўнғи-роғи ҳаммаёққа жар соларди.

Истар-истамас гушаққа қўл узат-

ди. Сўзлашув кўп чўзилмади. Ҳикоят гушақни қўйи-га қўйар экан, қўли зил-дек оғир юкдан хал-лос бўлгандек эди. Енгил тин олди. Аммо зум ўтмай бу-жудини кўз илғамас аллақандай ёвуз куч искандақча олди яна. Ҳаёлидан хил-ма-хил тахминияшнинг тезлигида ўта бош-лади.

«Мақсади нима ўзи? Қишлоқнинг нариги чеккасида яшаса, телефо-нини, қаерда яша-шимни қандай би-лақолдийкин? Ё ўғлим юборган пул-дан хабар топди-микан. Шошма-шошма, хув бир йили одамлардан қарз олиб, қайта-риб бермай, бир неча марта судланган, қитмирлиги ошқор бўлиб, ишхонасидан қуви-лган фирибгар аёл-ку бу. Ха-а, энди эсладим, ахир унинг эри ҳам учига чиққан фирибгар-ку. Қўздан пана-роқда учрашайлик деганичи? Нима бўлса пешонамдан кўрдим».

Таваккал келишган манзил томонга қараб юрди. Иситиш қозон-хонасининг сув сақланадиган мино-раси ёнида учта соя турарди. Бўёғи қандоқ бўлди, ложақал опасиними, жияларидан бировиними чақирса бўларкан.

Қаршисида ўша ўзи тахмин қил-ган аёл ва икки эркак киши турарди. Янглишмабди. Ёнидагиларнинг бири унинг эри, бир пайтлар мак-табда дарс берадир, новчароғи ким? И-е, Норвой алқаш-ку.

Овоз чиқармай, бош ирғаб сўра-



келди. Ўн кун ичида қайтараман, бировда гулим бор.

— Қаердан эшитдингиз, ўғлим пул жўнатганини, — Ҳикоят шундай деб сўради-ю, жавобини ҳам кут-май кейинги саволга тайёрлана бошлади.

— Ҳамсонянгиз...

— Тўғри, пул бор. Лекин ҳозир ёнимда бир тийин ҳам йўқ. Ўғлим чалароқ бўлса ҳам ҳовли сотиб ола-миш деганди. Ўшанга ишлатиб қўймай деб акамга бериб қўйгандим.

Ўзи тўқиган ёлғондан кўрқиб кет-ди. Ҳали акасиникига ҳам боришса-я. Аслида йигингани дийдаси тўқ, ишончли шогирдининг қўлида эди...

— Вой, ундай бўлса жудаям, яхши. Яшаб турган уйимизнинг ёнидан келинга атаб иморат қургандик. Беш хонали, олди айвон. Пулингизга қуй-майсиз. Нарҳиниям келишаверамиз.

— Майли, акам билан опамни

лозимлигини жуда яхши биларди. Давлат нотариал идорасига бо-ришганда, у гувоҳларнинг шохид-лигига тилхатни сотиладиган ҳовли учун деб эмас, фуқаро Ҳикоят Маҳ-мудовдан икки миллион етти юз минг сўм олдим деб ёзди. Мақсади номалўм бу ҳужжатга гувоҳлар ҳам иккиланмай имзо чекишди.

— Ҳамма ҳужжатлар тайёр. Эр-тага соат унда нотариусда учраша-миз. Гувоҳларни олиб боришни ҳам унутманг. — Д.Тоҳированинг гап сўзларида қатъий оҳанг сезилиб турарди. Ҳикоят ширин ҳаёллар билан уйига қайтди.

Эртаси кунги опаси иккови нота-риал идорага келишлган вақтда етиб келишди. Орадан бир ярим соат вақт ўтса ҳам «сотувчи»лар-дан дарак бўлмади. Вақт эса шитоб билан одимлайди. Идорадагилар тушликка чиқа бошлагач, опа-син-

ишди. Сўнгра қўш қаватли имо-ратни тўсиб турган девор томон юришди.

— Айланай, сиздан. Оёқларин-гизга пой-патак бўлай, сингилжон. Мени бир балодан кўтқара оласиз-ми деб, умид билан келдим. Ердан бермасангиз, ҳолим қароб, — дег-ган бошлаган аёлнинг юзини қўз-ғишлари юва бошлади.

— Ўзингизни тутинг, опа — деди Ҳикоят бироз саросиммаланиб.

— Хар ҳолда аёл кишисиз, мени тўғри тушунарсиз. — Аёл яна жим қолди. — Менга озроқ... пул керак эди... Биласиз, ҳозирги замонда ака-укага дўст эмас, қолаверса, ҳеч ким ўзидан ортмайди. Эшитдим, ўғлин-гиз пул жўнатганими. Қайноғамдан қарзимиз бор эди, қистаб, қўярда-қўймай шу ергача ўзи ҳам қўшилиб

чақириб маслаҳат қилай-чи. Маъжул келса, бориб кўрамиз.

— Айланай, тагин бировлар эшит-масин-а, дўстдан кўп душман. Гап-сўз қўпаймасин дейман-да.

Улар кетишди. Ҳикоят уйига ки-риши билан шоша-пиша телефо-н рақамларини тера бошлади. Ҳаде-ганда банд кўрсатаверди. Шу пайт кичик қиз кириб келди.

— Тоғаннинг телефон рақамини тер. Ўзим гаплашаман.

Орадан бир ҳафта ўтди. Олти миллионга сотувга қўйилган ҳовли, ниҳоят беш миллион икки юз минг сўмга баҳоланди... Нарҳининг ярни тўланган, қолганини уй ҳужжатлари тайёр бўлгандан кейин етказишга келишди.

...Дилдора нима иш қилаётгани-ни, қай пайтда қандай йўл тутуш

гил Д.Тоҳированинг уйига қараб йўл олишди...

Ҳикоятнинг бошига тушган сар-сонгарчиликларнинг ниҳояси кўрин-масди. Нотариал идорага Дилдо-ранинг бир кун эри келмаса, бир кун ўзи келмасди. У эшигига кел-ганларни турли баҳоналар билан сийларди.

Ҳикоят орадан олти ой ўтгач, туман прокуратурасига муурожаат қилди. Суриштирув жараёнида фи-рибгар эр-хотиннинг табиатидаги макорлиқнинг ранг-баранг қирра-лари очила бошлади.

Ниҳоят Д.Тоҳированинг кирди-корлари юзасидан ЖКнинг тегишли қисми билан айблов эълон қилинди.

Нуриддин ЛУТФУЛЛАЕВ,
Қашқадарё вилоят прокуратураси бўлими бошлиғи



ИСЁНЧИЛАР ҲАРАКАТИ ТЎХТАТИЛАДИ

Колумбия президенти Алваро Урибе бу мамлакатда Венесуэла президентига қарши исён режалаштирилганини расман тан олди. Урибе Венесуэла президенти Уго Чавес билан учрашув чоғида Венесуэла ҳарбийлари Колумбия ҳарбийлари билан Боготода мазкур режани муҳокама қилишгани ҳақида ахборот берди. Президент Урибе мазкур ҳолат жиддий текширувлардан сўнг маълум бўлганини ҳамда айбдорлар жазоланишини билдирди. «Биз ўз худудимизда бошқа давлатларга, айниқса қардош Венесуэлага қарши турли исёнлар режалаштирилишига йўл қўймаймиз», — деди Урибе. Маълум бўлишича, исёни 2002 йилда Венесуэлада давлат тўнтаришини амалга оширмакчи бўлган етти нафар ҳарбий режалаштирилган. Эслатиб ўтамиз, ўшанда исёнчиларга раҳбарлик қилган тадбиркор Педро Кармонга Колумбия сиёсий бошлана берган. 6 нафар венесуэлалик ҳарбийга эса бошлана берилмаган бўлса, бошқа давлатдан бошлана топгунчари Колумбияда қилишга рухсат этилган эди.



Яширин қамқоқоналар мавжудми?

Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилувчи халқаро ташкилот — Human Rights Watch АҚШдаги Марказий разведка бошқармасининг мамлакат ҳудудидан ташқарида мавжуд деб тахмин қилинган қамқоқоналари борасидаги текширишлари ҳисоботини эълон қилди. Унда айтилишича, ўтган йилнинг охиригача Афғонистонда терроризмда гумон қилинган маҳбуслар сақланган яширин марказ фаолият кўрсатган. Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилувчиларнинг ҳисоботи Гуантанамодаги АҚШ ҳарбий базасида сақланаётган 8 нафар маҳбусларнинг маълумоти асосланган. Мазкур маълумотлар уларнинг адвокатлари томонидан тақдим этилган. Маҳбусларнинг гапига қараганда, ушбу яширин қамқоқоналарда уларни турли ҳилдаги қийноқларга солишган.

Ўз навбатида МРБ вакиллари яширин қамқоқоналарда маҳбуслар ҳеч қандай қийноққа солилмаганини ва бундай марказлар фақатгина ахборотларни жамловчи жой бўлганини маълум қилган. Мазкур мазму борасида «The Washington Post» газетасида чун этилган мақолада келтирилган маълумотларга қўра, сўнги тўрт йил ичида АҚШ қаида 8 та давлат ҳудудда шу турдаги қамқоқоналарни ташкил этган. Ҳисоботда айтилишича, бундай қамқоқоналар Полина ва Руминияда ҳам мавжуд.

АҚШ девори

АҚШ конгрессининг вакиллар палатаси АҚШ ҳамда Мексика ўртасида девор қуриш режасини қўллаб-қувватлади. Айни дамда иқтисодий жиҳатдан анча ортда қолган Мексикадан ҳар йили минглаб қочқолар АҚШга ўтиб олишга ҳаракат қилади. Уларнинг кўплари икки давлат ўртасидаги чўл зонасида ўтаётган вақтда қийинчиликларга бардош беролмай ҳалок бўладилар. Шунингдек, наркотик моддаларни олиб ўтиш йўналишлари ҳам айнан шундай ерларда жойлашган. Шу боис ушбу ҳолатларнинг олдини олиш мақсадида мазкур жойларда узунлиги 1100 километрни ташкил этадиган девор барпо этилади. Деворнинг ҳар бир километри қурилишига 1,5 миллион доллар маблағ ажратилади. Девор прожекторлар ва кузатиш камералари билан жиҳозланади.



Газ арзон бўлармикан?

Украина президенти Виктор Ющенко мамлакат аҳолисига мурожаат этиб, Украинада газ нархи кўтарилиши оммавий ахборот воситаларида айтилаётгандек кескин бўлмаслигини билдирди. Аҳоли истеъмоли учун ва давлат тасарруфидagi ташкилотлар эҳтиёжи учун газ Украинада қазиб олинаётган табиий газ конларидан ажратилади. «Биз, — дейди Ющенко, — мустиқликни ҳар томонлама мустақамлашмиш зарур, хусусан энергетика соҳасида ҳам. Айни дамда мамлакатда энергетика сиёсатини ишлаб чиқиш бўйича махсус изланишлар олиб боришда ва тез кунда биз ўз йўлимишни аниқлаб оламиз». Илгари Украина газни арзонлаштирилган нархда Россиядан олар эди. Энди Россия ҳукумати Украинага газни Европа бозори нархида сотишга қарор қилди. Россия газини Украина орқали Европа давлатларига етказди. Украина транзит нархини ошириб юборган, расмий Москва юқорида айтиб ўтилган чораларни қўллашга мажбур бўлди.

Учинчи бор ўлимга

Якшанба куни Иордания ҳарбий суди «Ал-Қоида» ташкилотининг Ироқдаги бўлими раҳбари Абу Мусаба аз-Заркавийни сиртдан ўлим жазосига ҳукм эди. У билан бирга «Ал-Қоида»нинг яна икки аъзоси Фаҳд Фўхейкий ва Дарар Абу Удех ҳам ўлимга маҳкум этилди. Улар 2004 йили Иорданияда террористик ҳаракатни амалга оширмакчи бўлганликда айбдор деб топилдилар. Ўшанда Иорданиянинг Ироқ билан chegarados ҳудудида мамлакат пойтахти портларида турган бир нечта нефт ташувчи кемаларни портлатиш ниятида кетаётган Фаҳд

Фўхейкий қибса олинган эди. Мазкур террористик хуруж Заркавий ҳамда Абу Удех томонидан режалаштирилгани аниқланди. Суд ҳукми эълон қилинган вақтда суд залида фақатгина Фўхейкий бўлган, холос. Қолган икки террорчи ҳукм сиртдан чиқарилган. Таъкидлаш жоизки, асли иорданиялик бўлган Заркавий учинчи марта сиртдан ўлим жазосига ҳукм этилди.



Хавфнинг олди олинди

Россия ҳамда Хитой фавқулодда ишлар вазирлиги ҳолимлари Амур дарёси сувини тозалашмоқда. Мазкур вазирликларнинг ҳудудий бошқармалари бу борала ҳамкорлиқни йўлга қўйиб, дсрли ҳар бир ҳаракатларни биргаликда амалга оширишяпти. Эслатиб ўтамиз, Амур дарёсига қуйиладиган Хитойнинг Сунгари дарёси 100 тоннага яқин нитробензонал моддаси билан заҳарлангандан кейин бу ҳолат катта табиий офатларга олиб келиши мумкинлиги башорат қилинган. Лекин Хитой ҳамда Россия ҳукуматлари мазкур фалокатни бартараф этиш борасида тегишли ҳужжатларни имзолашгач, вазият ўзгарди. Ҳозир бир суткада Амур дарёсининг уч жойидан ҳар уч соатда сув текшириш учун олинмоқда. Заҳарланганлик даражаси ошиб кетса дарҳол зарурий чоралар қўриляпти. Таъкидлаш керакки, ҳамкорлик доирасида олиб бориладиган тадбирлар боис Амур суви таркибида нитробензонал моддаси анча камайган.



ЖАВОБГАР МИЛЛИАРДЕР

Нью-Йоркнинг уч нафар брокери машҳур миллиардер Доналд Трампни судга берди. Гап шундаки, шахарнинг нуфузли туманларидан бирида жойлашган, Трампга тегишли бўлган учта бино ва 77 акр ер «Extell Development Corp» ва «Carlyle Group» иқтисодиёт «кит»ларига 1,8 миллиард долларга сотиб юборилган. Мазкур юмуш учун миллиардер Трамп брокер Барбара Коркоран ва унинг икки ходимида 4 миллион доллар миқдоридида ҳақ тўлашга ваъда берган. Бироқ улар ваъда қилинган 4 миллиондан 2,7 миллионини олганлар, холос. Шу боис жаҳланувчилар Нью-Йорк судига мурожаат этиб, улушларини ундириб беришни сўрашган.

ИҚТИСОД ЛИБЕРАЛЛАШТИРИЛАДИ

Жаҳон савдо ташкилотининг навбатдаги саммити самарали бўлди. Бу галги йилигида ташкилотга аъзо давлатлар вакиллари жаҳон иқтисодиётини либераллаштириш тўғрисида қарор қабул қилди. Либераллаштириш борасидаги музокаралар келаси йилда якунланади. Хуллас, дастлабки қарорга мувофиқ 2013 йилга қадар қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотларини экспорт қилиш борасидаги чекловлар олиб ташланади. 2008 йилга келиб эса ривожланаётган давлатлардан келтириладиган маҳсулотларга божжона чекловлари бекор қилинади, келаси йилнинг ўзида пахта етиштирувчи давлатлар учун экспорт миқдори чегараси олиб ташланади. Қарорга мувофиқ ушбу масала билан боғлиқ барча масалалар ЖСТга аъзо давлатлар ўртасида 2006 йилнинг 30 апрелига қадар муҳокама қилиб олиниши зарур.



Президентга суиқаса

Эрон президенти Маҳмуд Аҳмадинажотнинг автомобил кортежи мамлакат пойтахти Техрондан 2000 километр узоқда жойлашган ҳудудда ўққа тутилган. Эрон раҳбари Систан-Балухистон вилояти аҳолиси билан учрашиш учун кетаётган эди. Мазкур хуруж натижасида президентнинг битта куриқчиси ҳалок бўлган. Айни дамгача мазкур жиноят қим томонидан ва нима мақсада содир этилганлиги номаълумлигича қолмоқда.

1992—1997 йиллар мобайнида Украинадан четга ноконуний тарзда 32 миллиард долларлик қурул-аслаҳалар олиб чиқилган. Мазкур маълумотни ошкор этган Украина Олий радаси қошида тузилган қурулларни ноконуний сотиш ҳолатларини тергов қилаётган комиссия раҳбари Сергей Синченконинг таъкидлашича, собик СССРдан мерос қолган қурул-аслаҳа мутахассислар томонидан 89 миллиард долларга баҳоланган эди. Комиссиянинг баёнотида қўра, аслаҳаларнинг аксарият қисми айнан мамлакатда мазкур йўналишдаги қонунлар оқсётган 1992—1997 йилларда ўғирланган. Савдонинг авжи 1996 йилга тўғри келади. Ўшанда бундай тижорат билан Украинада 144 та фирма шуғулланган.



Ўғирланган қуруллар



Ўтган ҳафта шанба куни Европа Иттифоқи давлатлари раҳбарлари Брюсселда бўлиб ўтган навбатдаги йиғилишда Македонияни Евроиттифок аъзоллигига номзод сифатида тан олдилар. Иттифокга аъзо 25 давлат раҳбарларининг қўшма баёнотида Македония иқтисодий ҳамда сиёсий соҳаларда бир мунча ютуқларга эришганлиги эътироф этилган. Шу билан бирга Македонияни расмий аъзо сифатида қабул қилиш борасида ўтказиладиган музокараларнинг муддати борасида ҳеч бир фикр билдирилмаган. Бундан аввалроқ Франция бош вазири Доминик де Вилпен Македониянинг Европа Иттифокга аъзо бўлишига қарши овоз берганди, чунки Вилпеннинг гапига қараганда иттифок ҳали кенгайишга тайёр эмас.

Интернет хабарлари асосида
Дилмурод ЭШМУРДОВ тайёрлади



FAXRIYLAR FAXRIMIZ

Иккинчи жаҳон уруши йиллари, каттақадар ҳовлида яшаган оила бошлиғи Кўнчиқ заводида тирикчилик қиларди. Ёш Азиз ҳам оилага қўмак бўлсин дея, мактабдан бўш вақтларида на мат ишлаб чиқарадиган заводда меҳнат қилди. Болалигидан ҳалоллик, поклик, адолат каби қарашлар билан тарбияланган Азиз

гуноҳ бўлади, дея ўқитарди.

1953 йилда ҳуқуқшунослик дипломини қўлга олган Азиз ака, меҳнат фаолиятини Кува туманида терговчиликдан бошлади. Тиришчилик ва меҳнатсеварлиги боис ёш терговчини кейинчалик шу туманга прокурор этиб тайинлашди. Азиз ака жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликларга қарши му-

ди. Суриштирувлар натижасида аёлининг яқин дўгоналаридан бири узоқ йиллар фарзанд қўрмаганлиги боис, бошқармалар назарида бола қутаётган аёл сифатида қорнига бир неча ой давомида ёстича бойлаб, дўгонасининг ҳомиласига кўз тикиб юрганлиги маълум бўлди. Вақти-соати етгач, аёлини уйига меҳмонга чақириб, шифо-

имкони берилганда, ҳеч иккиланмай яна шу соҳани танлардим,— дейди Азиз ака қатъият билан.

Фидокорона меҳнатлари учун Азиз ака прокуратура раҳбарияти томонидан бир неча марта тақдирланган ҳамда наватдан ташқари тоифа ўнвонларига сазовор бўлган. «Прократура фахрийси» кўрак нишонининг бери-

Одилликка йўлдош умр

Инсондан юртга, халққа теккан нафи қолар экан. Прократура фахрийси Азиз Мухаммадалиев ана шундай эл назаридидаги кишилардан бири. 80 ёшни қаршилаган Азиз ака умрининг қарийб 35 йиллини прокуратура органларидаги хизмат билан боғлади. Оддий ишчи оиласида туғилган чақалокқа раҳматли Мухаммадали ака элнинг қорига ярайдиган инсон бўлсин дея Азиз деб исм қўйди.



ака ўша давр хотираларини бирма-бир ёдга олади.

Хозирги Шайхонтоҳур туманининг Жарарик маҳалласида яшардиқ. Ҳовлимиз ўртасидан каттагина ариқ ўтарди. Қўшинларнинг мевали дарактлари ариқ ёқасидалиги боис, тўкилган мевалар ариқ суви орқали ҳовлимизга қўиб келарди. Уйимиздаги ариқда эса суви тўппал қолади ҳам махсус мослама бўлган. Раҳматли отам кечаси билан қўиб келиб тўплаган олма, шафтоли, ўрик каби меваларни алоҳида ажратиб, уларни бизга бериб мана бу фалончиники, бунисини эса фалончига беринглар дерди. Бировнинг ҳақини сўрамай ейиш

сасиз курашди. У кишининг сазй-харақати билан очилган бир жиноят ўша вақтларда бутун Фарғона водийсида катта шов-шувга сабаб бўлди. Толмазор қишлоғидаги пахтазордан шахси номаълум аёл кишининг жасади топилади. Экспертиза жасад ҳомиладор бўлганлиги, бола қорнидан ёриб олинганлигини кўрсатди. Азиз ака бошчилигидаги тергов гуруҳи зўдлик билан ишга киришди. Тумандаги барча ҳомиладор аёлларга тегишли тиббий варақалар кўздан кечирилади. Шу орада қўшни қишлоқдан бир ҳомиладор аёлининг дараксиз йўқолганлиги маълум бўлди. Айнан шу аёл жасади топишган киши бўлиб чиқ-

кор ва эри ёрдамида унинг қорнини кесиб, чақалокчи олишди. Сўнг «ўзим тугдим» дея овозга қилган. Бу қадар тубанлик ботқоқига ботган кимсалар суд ҳукми билан тегишли жазосини олишди.

А.Мухаммадалиев кейинчалик Фарғона вилоят прокуратурасида, сўнг Республика прокуратурасида меҳнат қилди. 1971 йилда янги ташкил этилган Собир Раҳимов туман прокурорлиги унга ишониб топширилди. Уч мuddat шу туманда прокурор вазифасида меҳнат қилди. Ўн беш йил бир туман қонунчилигини бошқариш ҳам Азиз аканинг меҳнати самарасини кўрсатиб турибди.

Ҳаётини қайтадан бошлаш

лиши ҳам у кишининг меҳнатига билирилган юксак баҳолидир. 1994 йилда А.Мухаммадалиев «Шуҳрат» медали билан тақдирланди.

Бугунги кунда Азиз ака Тошкент шаҳар прокуратурасининг фахрийлари ижтимоий қўллаб-қувватлаш жамоатчилиги маркази раҳбари сифатида меҳнат фаолиятини давом эттирмоқда. Турмуш ўртоғи Саодатхон ака билан 50 йилдан ортиқ бахтли турмуш қилган А.Мухаммадалиев фарзандлари, неваралар ва чеваралар, ўғил шогирдлар курушларида ўзининг 80 ёшини қарши олмақда. Биз у кишига мустаҳкам соғлиқ, узоқ умр тилаб қоламиз.

Т.САИД



SHUNDAY KASBLAR BOR

Доимо ёрдамга шаймиз

«050» бу телефон рақамини хозирги кунда деярли барча хамшаҳарларимиз яхши билишади. Пойтахт аҳолисига беминнат хизмат қилиб келаётган Тошкент шаҳар фақуллода вазиятлар бошқармасининг «Кутқарув хизмати» гуруҳи йил бошидан буён 372 та хонадондаги қариялар ва ногиронларнинг мушкулларини осон қилиб, тиббий ёрдам кўрсатди. Ўтган давр мобайнида 650 та ёнғин содир бўлиши мумкин бўлган ходисаларнинг олди олинди.

Фараз қилинг, газ плиталари ёки электр жиҳозлари ёқилган. Лекин кўча эшикларини берк бўлган хонадонларда ёш болалар назоратсиз қолдирилган. Бу вақтда бошқарма кутқарувчилари фалокатнинг олдини олиш мақсадига воқеа жойига етиб боришади. Йил бошидан буён 573 хонадонда болалар ана шундай хавфдан қутқариб қолинди. Афлотун таъкидлаганидек, «Одамлар бошларига қайғу тушганида тақдирдан, худудан ва бошқа нарсалардан зорланадилар, аммо ўзларидан сира зорланмайдилар». Демак, фалокатнинг олдини олиш аввало ўзимизга боғлиқ. Қуйида бошқарманинг фидойи ходимлари томонидан амалга оширилаётган ишлар ҳақида мисоллар келтирамиз.

Номаълум жасад

Тошкент шаҳар фақуллода вазиятлар бошқармасининг наватчи қисмига Юнусобод туман Жаҳон Обидова кўчасидан қўиб ўтувчи «Бўзсув» дарёсида номаълум кишининг жасади борлиги ҳақида хабар келиб тушди. Қутқарув хизмати бошлиғи, катта лейтенант Х.Бобонов бошчилигидаги қутқарувчи ғаввослар М.Якушев, К.Рожков ва Б.Асрақулов жасадни сувдан олиб чиқиб, тегишли органларга топширишди.

Ёлғуз қолган мурда

13 ноябр кўни кеч соат ўн бирларда Мирзо Улугбек тумани Буюк Ипак йўли кўчаси 23-ўй 98-хонадон эшиги очилмагани, ичкарида уй соҳибини ўлиб қолган бўлиши мумкинлиги ҳақида туман профилактика инспектори, катта лейтенант Р.Ғиёсовдан хабар тушди. Бошқарма лейтенанти Б.Реженов бошчилигидаги қутқарувчилар махсус кенгайирувчи асбоб ёрдамида хонадон эшигини очиб, ичкарига киришганида, ҳақиқатан ҳам уй соҳибини ўлиб қолган экан. Мурда ИИБ ходимларига топширилди.

Иложи топилди

Кун давомида меҳнат қилиб, кечқурун уйларида қайтаётган хамшаҳарларимиз кўп ҳолларда кўнгилсиз вазиятларга тушиб қолишади. Баъзида лифт орқали тезроқ юқори қаватга кўтарилиб олиш ниятида мосламадан нотўғри фойдаланишади. Натижада ёқилиб қолишади, ё бирон бошқа ходисага учрайдилар. Яқинда Собир Раҳимов туман Қорақамиш 2/31-уйнинг 1-йўлидаги лифт эшиги беркилиб, одамлар қамалиб қолганини тўғрисида хабар келиб тушди. Мурожатга кўра бошқарма лейтенанти А.Жалилов бошчилигидаги қутқарувчилар махсус кенгайирувчи асбоб ёрдамида лифт эшигини очиб, қутиб толиққан одамларни соғ-саломат чиқариб олишди.

Хуснияхон ТОҶИБОЕВА,
бошқарма матбуот гуруҳи ходими

Моҳият

Жолиус ҳақим айтди:

— Тўрт нарса тўрт нарсасга,
яъни улувлик — адабга, хурсандчилик — хотиржамликка, яқинлик — дўстликка, ақл — тажрибага муҳтождир.



BILASIZMI?



Кристининг сир

Британиялик олимлар Агата Кристи романларини нима сабабдан машҳур бўлиб кетганлигини аниқлашди. Кўп йиллардан бери нега бу аёлнинг асарлари жуда оммабоп деган саволга жавоб кидирилган. Мана энди Британия пойтахти Лондон университетининг бир гуруҳ нейрлингвист олимлари бу саволга жавоб топдилар. Иланишлардан маълум бўлишича, Кристи асарларида шундай сўз ва ибораларни ишлатганки, улар ўқувчига манзур бўлиб, бу ўз наватида асарни ўқиган одамни «транс» ёки «гипноз» ҳолатига олиб киради. Яъни, ўқувчи асардан кўзини узоқламай, уни ўқиб тугатгунча қўймайди.



SAXOVAT

Қўли очик миллиардерлар



АҚШда чоп этиладиган «Time» журнали 2005 йилнинг машҳур инсонлари рўйхатини эълон қилди. Булар ўзларининг хайрия ишлари билан ном чиқарган «U2» мусика гуруҳи хонадаси Бонно, «Microsoft» корпорацияси раҳбари Билл Гейтс ва унинг рафиқаси Меллинда Гейтсдир. Журнал бош муҳаррири Жеймс Келлининг эътирофи эътибор, айнан шу учлик бошқармаларга нисбатан кўпроқ хайрия дастурларида қатнашадилар. 2002 йилдан буён Бонно ҳамда Гейтслар оиласи «Gates Foundation» хайрия жағғармаси билан ҳамкорлик қилади. Мазкур жағғарма 29 миллиард доллар маблағга эга бўлиб, ҳар йили ушбу ташкилотнинг миллионлаб пуллари ОИТС касаллигига қарши кураш, камбағаллик ва яна қўллаб муаммоларини бартараф этишга йўналтирилади. Келлининг таъкидлашича, турли соҳа вакиллариининг бундай ишларда ҳамкорлик қилиши жуда катта самара беради.



HAJVIYA

Бектурди Жавлиевнинг ранги рўйини қўриб юрагим ағитиб кетди.
— Бектурди ака, рангингиз синиқ, тинчликми?
Узи билан ўзи ўралашиб қолган Бектурди ака аввалига менга эътибор бермади. Қайта сўраган эдим, ноилж дилини ёрди.
— Битта дафтарча бор эди: муқовасида қоғоз устида турган қалам расми...

— Қалам бировнинг қўлида-ми ёки шунчаки ўзи қоғоз устида турибди?
— Гап муқовадаги расмда эмас, гап дафтарчанинг йўқлиб қолишида. Кечанига чўнтагимда эди, билмайман, бугун қаерда тушириб қолдирибман?
— Шеръий машқларингиз бормиди унда?
— Қошиқ эди шеръ бўлса!
— Бирор ҳисоб-китобли ёзув бормиди?
— Ҳисоб-китобга ҳам бунчалик қўймасдим.
— Зарур нарсанинг чизмаси бормиди?
— Қанақа чизма?
— Эсда турмайдиган ёзувми?..
Бектурди ака уч кундан кейин

ҳам, ўн кундан кейин ҳам одамови юрди.

— Ака, бунча ич-этингизни ейсиз? Билмадим, пул-мул йўқотиб қўйсангиз нима қилардингиз! Бор-йўғи ичкинагина дафтарча экан, шунга шунчами?

— Пул йўқотганимда ҳам бунчалик қўйинмасдим. Пул — қўлнинг юри.

— Демак, дафтарчангизда қана-

НАЖОТ ДАФТАРЧАСИ

қадир ноёб ёзув бор, у сизнинг ҳаёт-мамонтингизни хал қилади, шундайми?.. Сиз битта эълон ёзиб илтиб қўйинг. Суюнчиси бор десангиз, бирпасда топилади.

— Топилармикан-а? — ишонқирамай қайта сўради Бектурди ака...
Бир пайт қарасак, йўлдаги «Табрикликимиз, қутлаймиз!» доскасида эълон пайдо бўлибди. «Кичкинагина дафтарчангиз суюнчиси қанча бўларди?» деб ўйлашдим, эълонга ҳеч қандай эътибор бермади. Байрам муносабати билан табрик ёзилди-ю аввалиги эълон тагда қўлиб кетди...

Бектурди ака охириги бир ой ичида ўзини анча олдириб қўйди. Хайрият шанбалик бўлдию, хоналарни тартибга келтириётганда ўша дафтарча топилиб, Бектурди аканинг юзига қон югурди. Дафтарчани жон ҳолатда варақлаб, керакли бетиини топи-ю, дарров телефонга ёпишди. «Йўдагиларга айтиб қўймоқчи» деб ўйлади.

— Алло! Мавлон Мардиевич, уэр, ажажон, ўтиб кетган бўлса-да, туғилган кунингиз билан табриклайман!.. Мен ҳали кейинги ойда туғилгансиз деб ялло қилиб юрибман...

Бектурди ака гўшаки қўйиб, менга: «Керакли одам бу киши» деди ва яна дафтарчага қараб, рақам терди.

— Алло! Светлана Назаровна, ўтиб кетган туғилган кунингиз билан... Мен баҳорда туғилгансиз деб юрибман... Майли, майли, мингта киригил илойим. Бойназар Владимиров билан бахтли бўлинглар...

Гўшаки қўйган Бектурди ака яна менга: «Хотинини ҳўжайини, керакли одам» деди қўзлари ял-ёниб, сўнг дафтарчани ял-ёб, ён чўнтагига солиб қўйди.

Илҳом ЗОЙИР

HUQUQ
yuridik gazeta

Та'сисчи:
О'zbekiston Respublikasi Bosh prokuraturasi

Bosh muharrir:

Abduxoliq ABDURAZZOQOV

Tahrir hay'ati:

Bahriiddin VALIYEV, Pirimqul QODIROV, Jahongir SHAROFBOYEV
(Bosh muharrir o'rinbosari vazifasini bajaruvchi), **Fozil MAMASHARIPOV**
(mas'ul kotib vazifasini bajaruvchi), **Lola SHOMURODOVA**

Tahririyat manzili:

Toshkent shahri, Yahyo G'ulomov ko'chasi, 66-uy.

Telefon: 133-82-34, 133-64-72.
E-mail: Info@huquq.uz.
Faks: 133-64-85, 133-10-53.

Gazeta O'zbekiston Respublikasi matbuot va axborot agentligida 023-raqam bilan ro'yxatga olingan. Nashr ko'rsatkichi — 231

Tahririyatga kelgan qo'yozma va suratlar egalariга qaytarilmaydi. Mualliflarning fikrlari tahririyat fikridan farqlanishi mumkin. Nashrimizdan ko'chirib bosilganda «HUQUQ»dan olinganligi ko'rsatilishi shart. Tijorat ahamiyatiga molik materiallar belgisi ostida chop etiladi.

Buyurtma — 158. 10691 nusxada chop etiladi. Gazeta tahririyat kompyuter bazasida teriladi va sahifalandi. «HUQUQ» original maketi.

Navbatchi muharrir: J.SHAROFBOYEV
Musahih: A.MUSTAFOYEVA

Gazeta «Sharq» NMX bosmaxonasida ofset usulida chop etiladi. Korxona manzili: Toshkent shahar, Buyuk Turok ko'chasi, 41-uy.

Bosmaxonaga topshirish vaqti: 20.00. Topshirildi: 17.30 2345678

Gazeta haftaning chorshanba kumlari chiqadi.

Sotuvda erkin narxda